

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

КОБИЛОВА ЗЕБОХОН БАКИРОВНА

**БАДИИЙ ИЖОДА ТАЪСИР ВА ИЗДОШЛИК МАСАЛАЛАРИ
(АМИРИЙ ШЕЪРИЯТИ МИСОЛИДА)**

10.00.02– Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ

АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2021

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Science(DSc) on Philological
Sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc) по
филологическим наукам**

Кобилова Зебохон Бакировна

Бадий ижодда таъсир ва издошлик масалалари (Амирий шеърляти мисолида).....3

Кобилова Зебохон Бакировна

Проблемы влияния и преемственности в художественном творчестве (На примере поэзии Амири).....37

Kobilova Zebokhon Bakirovna

Influence and followings in literary work (on the example of Amiriy's poetry).....71

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works76

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

КОБИЛОВА ЗЕБОХОН БАКИРОВНА

**БАДИИЙ ИЖОДА ТАЪСИР ВА ИЗДОШЛИК МАСАЛАЛАРИ
(АМИРИЙ ШЕЪРИЯТИ МИСОЛИДА)**

10.00.02– Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ

АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Fil59 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ҳаққулов Иброҳим Чориевич
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Тўхлиев Боқижон
филология фанлари доктори, профессор

Жабборов Нурбой Абдулҳакимович
филология фанлари доктори, профессор

Жўраев Ҳабибулло Абдусаломович
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация химояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "16" февраль куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19, Тел.: (993873) 244-44-29; факс: (+99873) 244-66-03; e-mail: fardu_info@umail.uz)

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (105 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: (+99873) 244-44-94).

Диссертация автореферати 2021 йил "2" февраль куни тарқатилди. (2021 йил "2" февраль даги 20 - рақамли реестр баённомаси)



А.А.Қосимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
ф.ф.д., профессор

М.Т.Зокиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
ф.ф.н., доцент

А.Ғ.Сабирдинов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, ф.ф.д.

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида адабий алоқалар, ўзаро таъсир масалаларини ўрганиш ва тадқиқ этиш алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар бир санъат асари ўз даври тафаккур даҳосининг ҳосиласи бўлиши баробарида асрлар давомида шаклланиб, ворисийлик силсиласи орқали етиб келган анъаналарнинг янги кўринишдаги ифодаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам анъанавийлик ва новаторлик масаласини илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганиш, тарихий такомилни белгилаш адабиётшуносликда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Дунё адабиётшунослиги илмида бадиий ижодда баҳрамандлик ва таъсир кўрсатиш масаласи тадқиқ этилиши зарур бўлган асосий илмий муаммолардандир. Айниқса, анъанавийлик қобиғида ривожланган Шарқ мумтоз адабиётида ижодкорларнинг ўзига хос жиҳатларини намоён этиш, бадиий матн қонуниятларининг такомил босқичлари, анъанавийлик ва оригиналлик мезонларини белгилаш масаласи ҳамон долзарблигича қолмоқда. Бу борада Европадаги айрим шарқшунослар Шарқ мумтоз адабиётидаги қонуниятлар ва талабларни ўрганмасдан, кўп ижодкорларни адабий эпигончилик ва тақлидчиликда айблаганлар. Жумладан, Ғарб олимлари Алишер Навоийни форс-тожик адибларининг тақлидчиси сифатида нотўғри баҳолаганлар. Бундай нотўғри ёндашув ўзбек адабиётининг бошқа намояндалари, жумладан, Амирий ижодига нисбатан ҳам мавжудлиги масалани илмий ва холис ўрганишни тақозо қилади.

Истиклол даврида ўзбек адабиёти тарихида алоҳида саҳифани ташкил этган Қўқон адабий муҳит намояндаларининг ҳаёти ва фаолияти, илмий ва адабий меросини ўрганиш борасида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилди, бироқ бу давр адабиёти бўйича қилинган ишлардан кўра ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларнинг кўпроқ эканлиги ҳам айни ҳақиқатдир. Бу орқали “...Аввало, халқимизнинг яратувчанлик салоҳияти билан бунёд этилган ноёб меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадлар кўзда тутилган”¹. Ноёб меросини ҳар томонлама ўрганишга лойиқ бўлган ана шундай ижодкорлардан бири – Қўқон адабий муҳитининг асосчиси, адолатли шоҳ ва дилбар шоир Умархон Амирийнинг ҳаёти ва ижодий мероси совет иттифоқи даврида “реакцион адабиёт вакили”, “сарой адабиёти намояндаси” тамғаси остида холис ва тўлақонли тадқиқ этилмаганидек, мустақиллик даврида ҳам монографик тарзда қайта ўрганилган эмас. Қўқон адабий муҳити асосчиси ва унинг ёрқин намояндаси Амирий ижоди адабий таъсир ва издошлик масалаларини ҳар томонлама

¹ Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси / Халқ сўзи.–Тошкент, 2017, 4 август.

кенг ва чуқур ўрганиш учун салмоқли материал беради. Чунки у ўзигача бўлган туркий ва форсий адабиётнинг илғор анъаналари ва муҳим ютуқларини ўз ижодида бирлаштирган, Шарқ мумтоз сўз санъатининг Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий, Лутфий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Фузулий, Мушфикий, Машраб, Соиб Табризий, Мирзо Бедил каби забардаст намояндаларининг ижод мактабида таҳсил олган ва улардан маҳорат сабоғини ўзлаштирган, айти пайтда, ўзи мансуб Қўқон адабий муҳити вакиллари ва ўзидан кейинги ўзбек адабиёти, хусусан, Хива адабий муҳити шоирларига кучли таъсир кўрсатган, бадиий салоҳияти баланд сўз устаси ҳисобланади. Бу илҳомбахш таъсирнинг ёрқин излари ва ранг-баранг қирраларини биз Нодира, Увайсий, Фазлий Намангоний, Гулханий, Ғозий, Қорий, Ҳазиний, Муқимий, Фурқат, Завқий каби Қўқон адабий муҳити, Огаҳий, Табибий, Комил, Рожий, Аваз, Баёний, Ниёзий каби Хива адабий муҳити намояндалари ҳамда Мирий, Юсуф Сарёмий, Ноқис, Ножий сингари бошқа шоирлар ижодида яққол кўрамаиз. Бинобарин, Амирий ижодини адабий анъана, ўзаро таъсир ва ижодий издошлик жихатидан ўрганиш ўзбек адабиётшунослиги учун мазкур масала бўйича муҳим илмий хулосаларни тақдим этиши шубҳасиз. Мавзунинг муҳимлиги ва долзарблиги ҳам айти шу жихат билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сон «Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://bulletin-history.kaznu>; <https://scribble.su/school-literature>; <https://www.ut.ac.ir>; <https://www.cam.ac.uk>; <https://www.universiteitleyden.nl>; <https://www.ankara.edu.tr>; <https://www.avrasya.istanbul.edu.tr>; <https://www.mosgu.ru>; <https://www.anrt.tj> <https://www.istanbul.edu.tr> <http://www.washington.edu> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Шарқ адабиётидаги адабий муҳитлар, таъсир ва издошлик, анъана ва маҳорат каби муҳим муаммоларни ўрганиш борасидаги тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан қуйидагилар томонидан олиб борилмоқда: Azərbaycan milli elmler akademiyasi Nizami adına adabiyat instituti (Озарбайжон); Ankara Üniversitesi, İstanbul Üniversitesi, Karabük Üniversitesi (Туркия); Oxford, Kемbridj universitetlari (Буюк Британия); Delhi University (Ҳиндистон); Институт восточных рукописей в Санкт-Петербурге (Россия); Институт Востоковедение АН Украины им. А. Крымского (Украина); Институти забон, адабиёт, шарқшиносӣ ва мероси хаттии ба номи Рӯдакӣ (Тожикистон); Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Самарқанд давлат университети, Бухоро давлат университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Қўқон давлат педагогика институти.

Жаҳон адабиётшунослигида, хусусан, мумтоз шеърларни ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ўзбек мумтоз адабиётининг Шарқ сўз санъати билан алоқалари, форс-тожик адабиётининг ўзбек, ўз навбатида, ўзбек адабиётининг турли туркий халқлар адабиётига таъсири, муштарак мавзулар ва сайёр сюжетларнинг бадиий талқинида адабий издошлик ва ўзига хослик, татаббунавислик ва назирачиликнинг ўтмиш адабиётидаги мавқеи очиб берилган (Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти); ўзбек-турк адабиёти алоқалари, Амирий девонининг Туркияда сақланаётган қўлёзмалари тавсифи ва ўзбек шоирининг турк шоирларига таъсири, уларнинг Амирий ғазалларига татаббу ва мухаммаслари аниқланган (Karabük Üniversitesi); хўжандлик ва истаравшанлик зуллисонайн шоирларнинг Қўқон адабий муҳитидаги ўрни ва роли, уларнинг Амирий ғазалларига татаббулари ва тахмислари очиб берилган (Хўжанд давлат университети); ҳинд форсийзабон адабиётининг Марказий Осиёдаги форсий тилли адабиёт билан алоқалари далилланган (Delhi University); озарбайжон-ўзбек адабий алоқаларида адабий таъсир ва издошлик масалалари кўрсатиб берилган (Azərbaycan milli elmler akademiyasi Nizami adına adabiyat institute).

Дунё адабиётшунослигида адабий таъсир ва издошлик масаласини янгича ёндашув ва концепциялар ёрдамида тадқиқ этиш бўйича, жумладан қуйидаги устувор йўналишларида тадқиқотлар олиб борилмоқда: ўзаро алоқа ва адабий таъсир, издошлик ва ўзига хослик, Шарқ мумтоз поэтикасининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш; ижодий таъсирланишнинг ижобий ва салбий турларини қўлёзмалар ва тошбосма нашрлар асосида аниқлаштириш; Шарқ адабиётида назиранавислик анъаналарининг намоён бўлиш мезонларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бадиий ижодда таъсир ва издошлик, анъана ва индивидуал маҳорат масаласи дунё ва ўзбек адабиётшунослигида маълум даражада тадқиқ этилган. Жумладан, мажор

олими Янош Экман³, турк олими Аҳмад Заки Валидий Тўғон⁴, рус шарқшунослари А.Н.Веселовский⁵, В.М.Жирмунский⁶, Н.И.Конрад⁷, И.Г.Неупокоева⁸, А.Н.Самойлович⁹, Е.Э.Бертельс¹⁰ тадқиқотларида ҳам адабий таъсир ва ижодий ўзига хослик масалалари кенг ёритилган. Адабиётшуносликда Садриддин Айний¹¹, Абдурауф Фитрат¹², Вадуд Маҳмуд¹³, Миён Бузрук Солиҳов¹⁴, О.Шарафиддинов¹⁵, Пўлотжон Домулла Қайюмов¹⁶ каби олимлар Амирий ҳақида илк маълумотларни берганлар. И.Мўминов, В.Зоҳидов, В.Абдуллаев, Т.Жалолов каби олимлар ўз тадқиқотларида мавзуга доир масалаларга у ёки бу даражада тўхталиб ўтганлар¹⁷. Аммо бу давр адабиёти бўйича фундаментал тадқиқот академик А.Қаюмовнинг “Қўқон адабий муҳити”¹⁸ номли ишидир. Унда бу давр адабиёти намояндалари ижоди чуқур ва ҳар томонлама текширилганлиги сабабидан у ҳозиргача асосий илмий манбалардан биридир.

Амирий адабий мероси тадқиқотида қуйидаги натижаларга эришилган: Амирий биографияси, у мансуб адабий муҳит, ижодий мероси манбалари ҳақида маълумотлар берилди; Шоирнинг шеърий асарларига оид янги манбалар аниқланиб, илмий муомалага киритилди ва таълим тизимида жорий этилди; Амирий бадиий меросининг жанри ва ғоявий-бадиий хусусиятлари ҳақида тадқиқотлар амалга оширилди. Мазкур тадқиқот Амирий ижодини адабий таъсир ва издошлик жиҳатидан ўрганишга асосий эътибор қаратилганлиги, шох-шоир ижодига форсий ва туркий сўз санъаткорларининг самарали таъсири ва ўз навбатида унинг замондошлари ва ўзидан кейинги қалам аҳлига илҳомбахш таъсири ҳар томонлама кенг ва чуқур ёритилганлиги, зуллисонанн шоир сифатидаги маҳорати очиб берилиб, ўзбек ва тожик адабиётида тутган мавқеи кўрсатилганлиги билан ўзига

³ Janos Eckmann. Harezmi, kipçak ve çagatay türkçesi üzerine araştırmalar. - Ankara, 1996. – С. 232.

⁴ A.Zeki Velidi Togan. Bugünkü Türkîli: Türkistan ve yakın tarihi. – İstanbul, 1981.- С. 501.

⁵ Веселовский А.Н. Историческая поэтика.- М.:Высшая школа, 1989.

⁶ Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение: Восток и Запад. – Л.: Наука, 1979; Жирмунский В.М. Историческая поэтика А.Н.Веселовского и её источники. – Ученые записки ЛГУ. Сер.филол.наук.1939. Вып. - №3.-С.3-19.

⁷ Конрад Н.И. Избранные труды. Литература и театр. – М.: Наука, 1978.

⁸ Неупокоева И.Г. История всемирной литературы. Проблемы системного и сравнительного анализа.-М.:1976

⁹ Самойлович А.Н. Иранский эпос в литературе тюркских народов Средней Азии // Сб. “Фирдоуси”. Л.: ИВАН и Гос.Е., 1934; Самойлович А.Н.Собрание 30 Царских поэтов сопутствующих Ферузу Хива.1909//ЗВОРАО.-СПБ.,Т.19(1909).вып.4-С.0198-0209; Самойлович.А.Н. Турецкие этюды.-РНБ., Ф.671, эд.хр.100.-872лл.

¹⁰ Бертельс Э.Е. Избранные труды. Навои и Джами.-М.:Наука,1965.

¹¹ Қаранг: Намунаи адабиёти тожик. Жамъ кунанда: СадриддинАйний. – М., 1926. – С. 195–197.

¹² Қаранг: Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II жилд (Илмий асарлар). -Т.: Маънавият, 2000. -Б.59-60.

¹³ Ваҳмуд Маҳмуд. Танланган асарлар. Т.:Маънавият, 2007. -Б.84-90.

¹⁴ Миён Бузрук. Ўрта Осиё ва ўзбек адабиёти тарихига умумий қараш. 1-қисм.-Т.:Ўзнашр, 1930.-Б. 74-86.

¹⁵ Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси. XV–XIX асрлар. Олий педагогика ўқув юрлари учун. Тузувчи О.Шарафиддинов. -Т., 1945. – Б. 179–190.

¹⁶ Қаюмов П. Тазкираи Қаюмий. – Т., 1998. – Б.107–111.

¹⁷ Мўминов И. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг ривожланиш тарихидан (XIX асрнинг охири ва XX аср бошлари). -Т.: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, 1960. – Б. 67–69; Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти тарихидан.-Т.,1961; Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб (XV асрдан XIX асрнинг иккинчи ярмигача). – Т.: Ўқитувчи, 1964. –Б. 118–120; Жалолов. Т. Ўзбек шоирлари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б. 38–43; 73–85;

¹⁸ Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. – Т.: Фан, 1961; Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. – Т.: Мумтоз сўз, 2010.

хослик касб этади. Ушбу диссертацион иш адабиётшуносликдаги ана шу бўшлиқни тўлдиришга қаратилган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Кўқон давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Кўқон адабий муҳити ижодкорларининг ўзбек адабиётида тутган ўрни” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади адабий таъсир ва ижодий издошликнинг мумтоз ва замонавий адабиётшунослик мезонларини Амирий ижоди ҳамда у таъсирланган ва таъсир кўрсатган шоирлар мисолида илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XVIII аср охири – XIX аср бошлари Кўқон адабий муҳити ва Амирийнинг лирик меросида издошлик ва бадиий таъсир масалаларини ўрганишнинг методологик асосларини аниқлаш;

Кўқон адабий муҳитининг ўзбек адабиёти ривожидида тутган ўрни ва ролига истиқлол туфайли ижтимоий фанларда қарор топган холис илмий мезонлар асосида баҳо бериш;

адабий анъана ва новаторлик, ўзаро таъсир ва ижодий издошликка доир назарий қарашлар тадрижини таҳлил этиш;

мумтоз адабиётшуносликка доир татаббу, тавр, назира, тазмин, тахмис каби адабий истилоҳларнинг моҳияти ва аҳамиятини Амирийнинг ижоди мисолида очиб бериш;

бадиий ижодда новаторлик масаласининг илмий-назарий мезонларини белгилаш ва Амирий ижодига нисбатан татбиқ этиш;

Амирийнинг поэтик маҳоратини текшириш орқали XVIII аср охири – XIX аср бошлари Кўқон адабий муҳитидаги бадиий-эстетик тафаккур мезонларини аниқлаш;

Кўқон ва Хоразм адабий муҳитлари намояндалари ижоди мисолида Амирий ижодининг кейинги давр адабий жараёнга кўрсатган ижобий таъсирини ўрганиш, уларнинг муштарак ҳамда ўзига хос жиҳатларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Амирийнинг икки жилдда нашр этилган ўзбекча ва тожикча шеърлар девони¹⁹, Фазлий Намангонийнинг “Мажмуаи шоирон” тазкираси²⁰ олинган (Амирий таъсирланган ва таъсир кўрсатган шоирлар девонлари ҳам қиёс учун тадқиқот доирасига тортилган).

Тадқиқотнинг предметини Амирийнинг ўзбекча ва тожикча девонларидан ўрин олган турли жанрдаги шеърларни қиёсий ўрганиш асосида бадиий ижодда ўзаро таъсир ва издошлик, шунингдек, адабий анъана, ўзига хослик ва маҳорат масалалари ташкил қилади.

¹⁹Амирий. Девон. I. Ўзбекча шеърлар (Нашрга тайёрловчилар А.Мадаминов, Э.Очилов, З.Қобилова, О.Давлатов). –Т.: Tamaddun, 2017. – 452б; Амирий. Девон. II. Тожикча шеърлар (Нашрга тайёрловчилар О.Давлатов, З.Қобилова). – Т.: Tamaddun, 2017. – 384 б.

²⁰Фазлий Намангоний. Мажмуатун-шуаро. – Т., Литотинография, 1903; Абдулкарим Фазлий Намангоний. Мажмуаи шоирон (Нашрга тайёрловчи М.Ҳасаний). – Т.: Фан, 2018, 342б.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, тарихий-қиёсий, контекстуал, герменевтик ва структурал таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

адабий ва тарихий кўлёма манбалар асосида Амирийнинг илмий биографияси тикланган, шоир лирик меросининг мукамал наشري амалга оширилиб, 460 ғазал, 57 мухаммас, 6 мусаддас, 2 мусамман, 16 туюқ, 7 рубоий илмий муомалага олиб кирилган ҳамда мумтоз шеъриятдаги мазкур жанрлар ранг-баранглигига қўшган ҳиссаси асосланган;

XVIII аср охири – XIX аср бошлари Қўқон адабий муҳиtida ўзбек, форс-тожик, озарбайжон, уйғур мумтоз шоирлари томонидан жорий этилган анъаналарнинг ижодий ўзлаштирилиши ва ривожлантирилиши такомили Амирий шеърияти мисолида илмий исботланган;

зуллисонан шоирнинг ўзбек ва тожик тилларидаги ғазал ва мухаммаслари таҳлил этилиб, адабий анъана, ўзаро таъсир, издошлик ва ўзига хослик масалалари асосида Амирийнинг қофия, радиф ва бадий санъатларнинг қўллашида услубий ўзига хосликлари, улардан фойдаланишда бадийлик мезонлари ойдинлаштирилган, бадий маҳорати далилланган;

Шарқ сўз санъатида татаббу ижодий мусобақа эканлиги, татаббу ғазалларнинг ўзига хослиги ва бадий баркамоллиги Амирийнинг салафлари ғазаларига, ўз навбатида замондошлари ва халафларининг Амирий ғазалларига татаббуларининг таҳлили орқали очиб берилган;

Амирий шеъриятининг образлар тизими, вазн хусусиятлари, бадий санъатларини тадқиқ этиш орқали XVIII аср охири – XIX аср бошлари Қўқон адабий муҳиtida бадий-эстетик тафаккурнинг ўзбек ва форс-тожик адабиётларидаги адабий издошлик, татаббу, тахмис, назира анъаналарининг таракқиётига таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Алишер Навоийнинг Амирий ижодига таъсири ҳамда Амирийнинг Муқимий шеъриятига кўрсатган таъсири бўйича янги қарашлар далилланган; лирик асарларда адабий таъсир ва бадий издошликни тадқиқ этиш орқали Амирийнинг адабий-эстетик дунёси, ижтимоий воқеликка муносабати ва дунёқараши масалалари очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Амирий шеърий мероси бирламчи манбалар асосида аслиятга мувофиқ матни тиклангани, илк бор форсий мероси намуналари таҳлилга тортилиши, шоирнинг салафлар ва халаф шоирларнинг ижоди билан қиёсий таҳлил қилиш орқали ижодкорнинг ўзига хосликлари кўрсатилгани, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилгани, қўйилган масалаларнинг аниқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек мумтоз адабиёти ва адабиётшунослиги тарихига оид назарий қарашларни бойитиши, хусусан, адабий анъана, адабий таъсирланиш ва таъсир кўрсатиш масаласининг бадий ижод ривожидидаги ўрнини белгилашга ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертация материалларидан олий таълим муассасаларининг магистратура ва бакалаврият йўналишлари учун ўзбек адабиёти тарихи, мумтоз адабиётшунослик тарихи, адабиёт назарияси фанлари бўйича дарслик ва ўқув кўланмаларнинг янги авлодини яратишда, илмий маърузалар, махсус курс, семинарларда, миллий ва маънавий кадриятларни ёшлар онгига сингдириш бўйича тайёрланадиган маърузаларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бадиий ижодда таъсир ва издошлик масалалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Шарқ сўз санъатида татаббу ижодий мусобақа эканлиги, татаббу ғазалларнинг ўзига хослиги ва бадиий баркамоллиги Амирийнинг салафлари ғазалларига, ўз навбатида замондошлари ва халафларининг Амирий ғазалларига татаббуларининг таҳлилига оид илмий-назарий хулосалардан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган (2012-2014) ИТД – 1 – 098 рақамли “Ёшлар маънавиятини шакллантиришда Алишер Навоий адабий-педагогик қарашларининг ўрни ва аҳамияти” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 октябрдаги 89-03-3850 рақамли маълумотномаси). Натижада татаббу ва мухаммаснинг ўзбек адабиётида тутган ўрни ойдинлашувига эришилган;

зуллисонан шoirнинг ўзбек ва тожик тилларидаги ғазал ва мухаммаслари таҳлил этилиб, адабий анъана, ўзаро таъсир, издошлик ва ўзига хослик масалалари асосида Амирийнинг қофия, радиф ва бадиий санъатларнинг қўллашида услубий ўзига хосликлари борасидаги илмий-назарий хулосалардан Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган (2012 – 2016) ФА – Ф1-ГО39 рақамли “Алишер Навоий (2 жилдлик) ва Абдулла Қодирий қомусларини яратиш” фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2020 йил 27 ноябрдаги №3/1255-2663 рақамли маълумотномаси). Натижада, Амирийнинг улуғ шoir ғазалларига боғлаган татаббуларидаги шакл ва мазмун уйғунлиги; Навоий ва Амирий ижоди мисолида адабий анъана, ўзаро таъсир ва ижодий издошлик хусусидаги илмий хулосаларни белгилашга эришилган ва Навоий ҳамда Амирий шеърияти миллий маънавиятимиз, кадриятларимизни бойитишда муҳим адабий ҳодиса бўлиб, уни чуқур ўрганиш мумтоз адабиёт тарихи ва адабиётшунослигининг кўплаб долзарб муаммоларини ечишга хизмат қилган;

Амирий шеъриятининг образлар тизими, вазн хусусиятлари, бадиий санъатларини тадқиқ этиш орқали XVIII аср охири – XIX аср бошлари Қўқон адабий муҳитидаги бадиий-эстетик тафаккурнинг ўзбек ва форс-тожик адабиёти тараққиётига таъсирига оид илмий маълумотлардан Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган (2017-2020) ОТ-Ф1-77 рақамли “Ўзбек адабиёти дурдоналари» 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш» фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фанлар академиясининг

2020 йил 27 ноябрдаги №3/1255-2663 рақамли маълумотномаси). Натижада, ўзбек адабиёти дурдоналари яна бир истеъдодли шоир ижоди билан бойиган; Диссертация натижаларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O’zbekiston” телерадиоканали “Бедорлик”, “Адабий жараён”, “Ғазал бўстони” номли эшиттиришлари (2019-2020 йиллар) сценарийсида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston” телерадиоканалининг 2020 йил 16 ноябрдаги 04-25- 1084 сонли маълумотномаси). Натижада, кўрсатувлар илмий-назарий маълумотлар билан бойитилиб, уларнинг илмий-маърифий савияси ошган;

диссертация натижалари асосида “Ўзбеккино” миллий агентлиги буюртмасига биноан диссертант томонидан ёзилган сценарий бўйича “Қўқон шамоли” тарихий-бадий фильми суратга олинган. (“Ўзбеккино” миллий агентлигининг 2020 йил 24 августдаги 31-сонли маълумотномаси). Натижада, халқимизга ҳали номаълум бўлган Қўқон хонлиги саҳифалари, Қўқон адабий мухитининг вужудга келиши, Умархон Амирийнинг ҳукмдор ва ижодкор сифатидаги қирралари очиб берилган;

XVIII аср охири – XIX аср бошлари Қўқон адабий мухитида ўзбек, форс-тожик, озарбайжон, уйғур мумтоз шоирлари томонидан жорий этилган анъаналарнинг ижодий ўзлаштирилиши ва ривожлантирилиши тақомили Амирий шеърини намоён бўлишига оид хулосаларидан Туркия Жумҳурияти Карабук университети Адабиёт факультети Турк тили ва адабиёти бўлимининг “Тасаввуф адабиёти” (TED227), “Туркистон Миллий уйғониш адабиёти” (TED734), “Ўзбек адабиёти” (TED323) дарсларида фойдаланилган. (Карабук университети Адабиёт факультети Турк тили ва адабиёти бўлимининг 2020 йил 16 августдаги маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг Амирийнинг Лутфий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий, Мирзо Бедил каби Шарқ мумтоз сўз санъатининг забардаст намояндаларидан таъсирланиши орқали ижодий тақомилга эришуви ва Алишер Навоий ва туркий адабиёт масаласи бўйича билимлари, тасаввурлари кенгайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 халқаро, 5 республика илмий-назарий анжуманларида жамоатчилик муҳокамасидан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 32 та илмий иш нашр этилган. Шулардан 2 та монография, 2 жилдлик девон, хорижий тўпламларда 2 та мақола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 11 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқотнинг ҳажми 264 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, фан ва технологиялар ривожининг устувор йўналишларига мослиги, хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи асосланиб, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган ишлар ва тадқиқот тузилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Амирийнинг илмий биографияси ва у асос солган адабий муҳитнинг ўзига хослиги”** деб номланади. Бобнинг *“Амирийнинг илмий биографиясини яратиш асослари”* сарлавҳали дастлабки фаслида Амирий ҳаёти ва ижодини ўрганиш уч босқичга ажратиб тасниф этилди: 1) Амирий шахси ва ижодига замондошлари ва халафларининг гоҳ муболағали, гоҳ танқидий муносабати; 2) шоҳ-шоир ижодининг шўро даврида ҳукмрон мафкура қолипи асосида бирёклама ўрганилиши ва асосан қораланиши; 3) истиқлол даврида ижтимоий фанларда қарор топган илмий холислик мезонлари асосида тадқиқ этилиши, нисбатан ишончли илмий биографиясини яратишга ҳаракат қилиниб, девонларининг чоп этилиши.

Фазлий Намангонийнинг *“Мажмуат уш-шуаро”*²¹ тазкираси, *“Умарнома”*, Мушриф Исфарагийнинг *“Шоҳномаи Нусратпаём”*, Исҳоқхон Ибратнинг *“Фарғона тарихи”*, Мирза Олим Мушрифнинг *“Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин»*, Мулла Олим Махдум Ҳожининг *“Тарихи Туркистон”*²² каби асарларида Умархон шахсига юқори баҳо берилган бўлса, Ҳакимхон Тўранинг *“Мунтахаб ут-таворих”*, Дилшод-Барнонинг *“Тарихи муҳожирон”*, Бухоро тарихчилардан Мирзо Муҳаммад Ҳусайннинг *“Таърихи Насруллохон”*, Кавкабийнинг *“Тазкираи суханварони Истаравшан”* тазкирасида эса салбий муносабат бўртиб кўринади.²³

Шўро даврида эса унинг сиёсий фаолияти ҳам, адабий мероси ҳам ҳукмрон табақа вакили сифатида нукул қораланди. Бир томондан, давр мафкураси талаблари асосида, иккинчи томондан, адабий манбаларга танқидий нуктаи назарнинг етарли эмаслиги сабабли Амирийнинг адабий фаолиятига бирёклама қарашлар илгари сурилган. Масалан, профессор Э.Шодиев ўзининг *“Фазлий Намангоний ва Хўжанд шоирлари”*²⁴ номли рисоласида Амирий атрофидаги ижодкорлар, кўпроқ Хўжанд шоирлари ҳақида фикр юритади. Олим унда Умархон Амирийнинг шоирлик истеъдодига шубҳа билан ёндашади. Олий ўқув юртлари филология факультети талабалари учун ёзилган *“Ўзбек адабиёти тарихи”* дарслигида ҳам Амир Умархон саройи адабиёти реакцион феодал-клерикал адабиёт

²¹ Фазлий Намангоний. Мажмуат уш-шуаро. - Т., Литотипография, 1903.

²² Фазлий Намангоний. Умарнома / Воҳидов Ш. Кўкон тарихчилари Фазлий ва Мушриф. -Т., 1996.- Б.7-15; Мушриф Исфарагий. Шоҳномаи Нусратпаём / Воҳидов Ш. Кўкон тарихчилари Фазлий ва Мушриф. Т., 1996. - Б. 16-23; Исҳоқхон Ибрат. Фарғона тарихи. - Т.: Камалак, 1991. - Б. 288-292; Мирзо Олим Мушриф. Ансобус-салотин ва таворихул-хавоқин. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1995. - Б.19; Мулла Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. - Қарши: Насаф, 1992. - Б. 36-45.

²³ Қаранг: Ҳакимхон Тўра. Мунтахабут-таворих. ЎЗРФАШИ. Инв.№ 594. - Б. 253-254; Дилшод. Тарихи муҳожирон / Дилшод. Анбар Отин. Ўзбек шоиралари баёзи. - Т.: Фан, 1994. - Б.75-82; Кавкабий. Тазкираи суханварони Истаравшан. - Душанбе: Адиб, 2012.

²⁴ Шодиев Э. Фазлий Намангоний ва Хўжанд шоирлари. - Хўжанд, 1993. - Б. 3-16.

сифатида қаттиқ қораланади ва улар ижоди ғоявий қашшоқлик ҳамда шаклбозликда айбланади.²⁵

Адабиётшуносликда Амирий ҳаёти ва ижодига илк бор Садриддин Айний эътибор қаратган. У “Намунаи адабиёти тожик” тазкирасида Умархоннинг икки тожикча ғазалини келтириб, у ҳақда қисқача маълумот бериб ўтади²⁶. Унда айтилишича, Амирий истеъдодли шоиргина бўлиб қолмай, аҳли шуаро ва фузалонинг мураббийси ҳам эди... Алишер Навоийдан кейин Туркистонда ривожланишдан тўхтаган туркий шеърят айна Амир Умархон даврида иккинчи марта тараққиёт чўққисига чикди²⁷. Вадуд Маҳмудга кўра: Умархон “...шарқ турк шеърининг иккинчи олтун даври бошлиғи”²⁸ дир.

“Қўқон адабий муҳити” номли салмоқли тадқиқотида А.Қаюмов бу муҳит намояндалари ҳаёти ва ижодини биринчи марта ҳар томонлама кенг ва чуқур тадқиқ қилади. Ғозий, Ҳозик, Махмур, Маъдан, Нодира, Увайсий, Маҳзуна, Нодир каби шоирлар ижодини алоҳида бобларда ўрганган олим ўша давр тақозосига кўра Амирий шеърлари тадқиқига ўрин ажратолмаган бўлса-да, “шубҳасиз, анча истеъдодли шоир бўлган”, “гўзал лирик шеърлар ёзган”²⁹ деб унинг салоҳиятини алоҳида таъкидлайди ва қайта ишланган нашрда эса Амирийга юксак баҳо беради³⁰. Бутун умрини Нодира ҳаёти ва ижодини ўрганиш, асарларини топиб нашр этишга бағишлаган М.Қодирова Амирий ижодининг ҳам рўёбга чиқиши учун саъй-ҳаракат кўрсатган, ҳукмдор шоирнинг ўзбек тилидаги шеърларини биринчи бўлиб тўплаб нашр эттирган эди. Нодира, Амирий, Увайсий, Дилшод-Барно, Анбар отин каби шоирлар меросини ўрганиш жараёнида бу давр адабиёти хусусиятларидан анча хабардор олиманинг Қўқон адабий муҳити намояндаларини эҳтиёткорлик билан бўлса-да, бир қадар ёқлашга уриниши айна жиҳатдан тушунарли эди³¹.

Мустақиллик даврида Умархон шахси ва адабий меросига қизиқиш янада кучайди. Унинг даври, адабий меросига янги тамойиллар асосида, миллий мустақиллик мафкураси талабларига мувофиқ ёндашиш устуворлик касб этди. А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, Ҳ.Ҳомидий, И.Ҳаққул, Б.Тўхлиев, Ҳ.Болтабоев, Н. Жумахўжа, Н.Жабборов, Б.Карим, Ҳ.Мухаммадхўжаев, Р.Орзибеков, А.Жўрахонов, А.Мадаминов, Р.Тожибоев, Э.Очилов, О. Жўрабоев, С.Раҳимова³² каби олим ва тадқиқотчилар шоир ҳаёти ва

²⁵ Қаранг: Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. Т.: Ўқитувчи. - Б. 161-164

²⁶ Қаранг: Айний С. Намунаи адабиёти тожик. - Д., 2010. - Саҳ. 121-122.

²⁷ Айний С. Намунаи адабиёти тожик. - Д., 2010. - Саҳ. 121-122.

²⁸ Вадуд Маҳмуд. Бугунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз / Танланган асарлар. - Т.: Маънавият, 2007. - Б. 90.

²⁹ Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. - Т.: Фан, 1961. - Б. 58.

³⁰ Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. - Т.: Мумтоз сўз, 2010. - Б. 104-112.

³¹ Амирий. Девон. - Т.: 1972. (Нашрга тайёрловчи М.Қодирова).

³² Қаранг: Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги қадриятлар. -Т.: Ўқитувчи, 1998. -Б.172-183; Ҳомидий Ҳ. Қўхна Шарқ дарғалари. -Т.: Шарқ, 1999. - Б.313-319; Ҳаққул И. Амирий шахсияти ва форсий шеърятини // Ўзбек тили ва адабиёти, 2017.-№5.-Б.15-19; Тўхлиев Б. Амирий ҳаёти ва ижодини таълим босқичларида ўрганишнинг айрим назарий ва амалий муаммолари ҳақида // “Амирий ва Қўқон адабий муҳити” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. -Т.: Tamaddun, 2017. - Б. 158-161; Болтабоев Ҳ. Мумтоз сўз кадри. - Т.: Адолат, 2004.-Б.59-65; Мухаммадхўжаев Ҳ. Амири Умархон – шоҳ ва

ижодининг у ёки бу қирраларини ёритдилар, унинг ҳаёти ва ижодига оид манбаларни нашр эттирдилар. Умумий ўрта таълим мактабларининг 8- ва 10-синф дастурига, шунингдек, Олий таълим муассасаларининг филология факультети “Ўзбек адабиёти тарихи” фан дастури ва дарслигига ҳам Амирий ҳаёти ва ижодини ўрганиш бўйича алоҳида соатлар киритилди³³. Шоир ғазалларидан сараланган “Қошингга тегузмагил қаламни” тўплами³⁴, таваллудининг 230 йиллиги муносабати билан ўзбекча ва тожикча девонлари³⁵ ва Амирий юбилейига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуман материаллари чоп этилди³⁶. Биз шоҳ-шоир ҳаёти ва ижодини истиқлол туфайли қарор топган янги қарашлар асосида ўрганиб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилдик³⁷ ва, шу асосда “Амирий шеърляти” монографиясини чоп эттирдик³⁸. Шу тариқа Амирий шахси, таржимаи ҳоли, ҳукмронлик йиллари, адабий мероси, фан ва маданият ҳомийси сифатидаги серқирра фаолиятига баҳо бериш орқали шоир ҳаёти ва ижодини холис ўрганиш сари дастлабки қадамлар ташланди.

“Тарих унинг зиммасига бир мамлакатни идора қилишдек улкан шараф ва масъулиятни ҳам юклаган. У бу миссиядан давлатни идора қилиш, уни оқилона бошқариш, ўз давридаги дунё ҳамжамиятида шу юртнинг муносиб ўрин тутиши учун интилиш, мамлакат равнақида илм-фаннинг, маърифат ва

шоир // Адабиёт кўзгуси. - №5. - Т., 2000. -Б.113-126; Жумахўжа Н. Миллий мустақиллик мафқураси ва адабий мерос (XVII–XIX асрлар ўзбек шеърляти асосида): Филол. фан. докт... дисс. авт. - Т., 1999; Жабборов Н. Амирий биографияси ва адабий меросини ўрганишнинг долзарб масалалари // “Амирий ва Қўқон адабий муҳити” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Т.: Tamaddun, 2017. -Б. 13-17; Карим Б. Амирий ва Абдулла Қодирий // Адабиётшуносликнинг долзарб масалалари мавзусидаги Республика илмий анжумани материаллари, 2020. - Б. 414-419; Орзибеков Р. Ўзбек адабиёти тарихи. -Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. - Б. 165-183; Жўрахонов А. Нодири лирикасида Умархон образи // Ўзбек тили ва адабиёти, 1997. - №5. -Б. 46-48; Очилов Э., Бобобеков Х. Амирий //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. -Т., 2005. -Б. 90-91; Очилов Э. “Қошингга тегузмагил қаламни...” // Ишонч, 2005, 28 январь; Мадаминов А., Тожибоев Р. Шавкатли шоҳ ва истеъдодли шоир // Қўқон садоси, 1997, 30 январь; Жўрабоев О. Амирийнинг Навоий ғазаларига тахмислари хусусида // Филология масалалари. 2005. №2-3.- Б. 21-27; Жўрабоев О. Матнинг матности сирлари. -Т.: Tamaddun, 2017. -Б.44-56; Жўрабоев О. Амирий Умархон ва Қўқон адабий муҳити // Ўзбек тили ва адабиёти. 2019. № 6. -Б. 49-50; Раҳимова С. Жунун иқлимининг амири // Адабиёт кўзгуси, 2000. № 6. -Б. 170-173; Раҳимова С. Амирий санъаткорлигининг бир жиҳати хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2002. № 3. -Б. 47-49; Очилов Э. Амирий ижодида Бедил аъналарини // Ўзбек тили ва адабиёти, 2017. № 5. - Б. 29-36.

³³ Каттабеков А., Раҳмонов В. Ўзбек адабиёти. 8-синф учун дарслик. - Т., 1997. -Б. 57-59; Қосимов Б., Тўхлиев Б., Йўлдошев Қ. Адабиёт. 10-синф учун дарслик. -Т., 2004. -Б. 335-342; Juma'ho'ja N, Adizova I. O'zbek adabiyoti tarixi. XVI –XIX asr I yarmi. -Т.: Noshir, 2019. - В. 237-268..

³⁴ Амирий. Қошингга тегузмагил қаламни (Нашрга тайёрловчилар: А.Мадаминов, Э.Очилов, З.Қобилова). - Т.: Шарк, 2008, 336 б.

³⁵ Амирий. Девон. I. Ўзбекча шеърлар (Нашрга тайёрловчилар А.Мадаминов, Э.Очилов, З.Қобилова, О.Давлатов). - Т.: Tamaddun, 2017.- 452б; Амирий. Девон. II. Тожикча шеърлар (Нашрга тайёрловчилар О.Давлатов, З.Қобилова). - Т.: Tamaddun, 2017. - 384 б.

³⁶ “Амирий ва Қўқон адабий муҳити” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Т.: Tamaddun, 2017. Тўпландан П.Қайюми, А.Қаюмов, И.Ҳаққул, Б.Тўхлиев, Қ.Йўлдош, А.Эркинов, Н.Жабборов, Г.Халлиева, Ҳ.Жўраев, Ш.Аҳмедова, А.Турдалиев, Э.Очилов, К.Муллахўжаева, О.Давлатов, О.Жўрабоев, М.Сиддиқов, З.Раҳимов, Д.Зоҳидова, З.Қобилова, Д.Юсупова, М.Асадов, С.Маткаримова, И.Сулаймонов, О.Ҳамроева, А.Муҳаммадиев, З.Мамадалиева, С.Ўтанова, Т.Тошболтаева каби олимларнинг Амирий ҳаёти ва ижоди, сиёсий ва адабий фаолияти, девони қўлёзмалари, Қўқон адабий муҳити, адабий аънана, ўзаро таъсир ва издошлик масалалари, шоҳ-шоирнинг бадиий маҳорати қирралари ёритилган мақолалари ўрин олган.

³⁷ Қобилова З. Амирийнинг адабий фаолияти. Филол. фанлари номз. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент, 2007.

³⁸ Қобилова З. Амирий шеърляти. - Т.: Фан, 2010.

маънавиятинг юксак мавқеини ҳис этган ҳолда шу соҳага алоҳида эътибор қаратиш, жумладан, мамлакатдаги ижод аҳлининг бошини қовуштириш ва уларнинг ижодий имкониятларини юзага чиқаришлари учун муносиб шарт-шароитларни яратиш, уларга том маънодаги ҳомийик қилиш сингари миссияларни ҳам шараф билан адо этган”³⁹.

Манбаларни ўрганиш натижасида диссертацияда Амирий биографияси холис илмий ёндашув асосида ёритилган.

Бобнинг иккинчи фасли “Амирий асос солган Қўқон адабий муҳитининг ўзига хос жиҳатлари” деб аталади.

Умархон даври Қўқон адабий муҳитининг энг гуллаб-яшнаган, юқори кўтарилган даври ҳисобланади. Исҳоқхон тўра Ибрат ана шу муносабат билан холис тарихий далилларни келтиради: «Ул асрда шоирлик ривожда бўлуб, шуаролар кўпайган эканлар. Булардан Ҳотиф, Адо, Намангандан Мавлоно Фазлий ва шоирлардан ҳам неча адад фозила хотунлардан бор эканлар, буларни ашъорлари «Мажмуат уш-шуаро»да мастурдур»⁴⁰.

Фитратнинг қайд этишича: “Умархон замонида сарой атрофида бир кўб шоирлар йиғилдилар. Булар орасида Фазлий, Ҳозик, Хижлатхон каби санъатда юқори даражада турганлари бор эди”⁴¹. Шунга кўра О.Шарафиддинов: “Фарғона хонлари адабий-маданий ҳаракатчиликда темурийлар традициясини тирилтиришга уриндилар”⁴², – деб таъкидлаган. “Ўзбек адабий тили тарихида, бу тилнинг ривожланишида уларнинг иштироки бор”⁴³лигини В.Зоҳидов ўринли қайд этиб ўтган. Пўлатжон Домулла Қайюмовнинг: “Ўз даврида унинг саройи адабиёт аҳли, илм-маърифат кишилари учун очиқ бўлуб, паноҳ топтилар. Ўшал вақт Ҳўқандга атрофдан адабиёт аҳллари кела бошладилар ва ҳурмат кўрдилар”⁴⁴, – деган фикрларининг мантиқий давоми сифатида Т.Жалоловнинг: “Умархон ўз асри шеърятини яратди, пароканда нарсаларни тўплаб, тазкиралар тузиб, келгуси авлодларга армуғон қилиб кетди”⁴⁵, – сингари эътирофини қайд этиш мумкин.

В.Абдуллаев, И.Мўминов, М.Қодирова, А.Абдуғафуров, Э.Шодиев, Ҳ.Ҳомидий каби олимлар мавзу доирасида у ёки бу даражада тадқиқот олиб бориб, Қўқон адабий муҳитининг ўрни ва ролини эътироф этиб ўтганлар⁴⁶.

³⁹Тўхлиев Б. Амирий ҳаёти ва ижодини таълим босқичларида ўрганишнинг айрим назарий ва амалий муаммолари ҳақида / “Амирий ва Қўқон адабий муҳити” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Т.: Тамaddon, 2017. - Б. 158.

⁴⁰Ибрат. Тарихи Фарғона. - Т.: Мерос, 1991. - Б. 289.

⁴¹Фитрат А. XVI асрдан сўнгра ўзбек адабиётига умумий бир қараш / Танланган асарлар. II жилд. - Т.: Маънавият, 2000. - Б.59.

⁴²Шарафиддинов О. Ўзбек адабиёти хрестоматияси. - Тошкент: Ўздавнашр, 1945. - Б. 179.

⁴³Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти тарихидан. - Т.: Ўзадабийнашр, 1961. - Б. 172.

⁴⁴Қайюмов П.Д. Тазкираи Қайюмий. Биринчи китоб. - Т., 1998. - Б. 108.

⁴⁵Жалолов Т. Мактублар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1991, 31 январ.

⁴⁶Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. - Т.: Ўқитувчи, 1980; Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти тарихидан. - Т.: Ўзадабийнашр, 1961; Рустамов Э.Р. Узбекская литература в первой половине XV века. - М. 1963; Қайюмов А. Қўқон адабий муҳити. - Т.: Фан, 1961; Шодиев Э. Фазлий Намангоний ва Хўжанд шоирлари. - Хўжанд, 1993; Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги қадриятлар. - Т.: Ўқитувчи, 1998; Ҳомидий Ҳ. Кўҳна Шарқ дарғалари. - Т.: Шарқ, 1999.

Қўқон адабий муҳити Мовароуннаҳрда уч хонлик даврида пайдо бўлган энг муҳим маданий ҳодисалардан бири бўлиб, унинг ўз анъаналарига эга бўлган алоҳида муҳит сифатида шаклланиши бевосита Амирий номи билан боғлиқ. Бу муҳитнинг ўзига хос жиҳатлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Қўқон адабий муҳитида ўзбек тили етакчилиқни қўлга киритди; Қўқон адабий муҳитида форс ва ўзбек адабиётидаги услубларнинг синтези вужудга келиб, шеърият ривожланишнинг янги палласига қадам қўйди; зуллисонайнлик анъанаси ҳукм сурган Қўқон адабий муҳитида адабий таъсир ва баҳрамандлик шу даражада юқори бўлдики, ҳатто бир шоирнинг ижодида ўз-ўзидан таъсирланиш, бир тилда ҳосил қилган адабий тажрибани бошқа тилдаги ижодида ҳам қўллаш ҳолатлари жуда кўп кузатилади; мазкур муҳитда ижод қилган Нодира, Увайсий, Дилшод, Махзуна, Нозик каби шоирлар ўзбек аёллар шеъриятининг раванқ топишида муҳим ўрин тутди; Қўқон адабий муҳитида тазкирачилик қайта тикланди ва у Хива ҳамда Бухоро адабий муҳитларида кўплаб тазкираларнинг вужудга келишига ўзига хос таъсир ўтказди. Чунончи, Аҳмад Табибийнинг “Тазкираи си шуарои пайрави Фирузшоҳий” (“Ферузшоҳга пайравлик қилган ўттиз шоир тазкираси”) тазкираси шакли, таркибий тузилиши, мазмун-мундарижаси, шеърий (маснавий) усулда ёзилиши, услуби ва бошқа жиҳатларидан Фазлий Намангонийнинг “Мажмуаи шоирон” (“Шоирлар мажмуаси”) тазкираси таъсирида яратилганлигини кўрсатади. Қори Раҳматулло Возеҳ, Афзал Пирмастий, Садр Зиё, Ҳашмат, Муҳтарам сингари тазкиранавислар ҳам Фазлий мажмуасидан ижодий таъсирланганликлари, илҳомланганликлари сезилиб туради; Гулҳанийнинг “Зарбулмасал”, Мушриф Исфарағийнинг “Шоҳномаи Нусратпаём” асарлари ва бошқалар шахсан Амирий ташаббуси ва ҳомийлигида яратилган; мумтоз асарларни танлаб кўчиртириш ва таржима қилишга ҳам алоҳида аҳамият берилди. Ҳатто чекка Аштда ҳам Муҳаммадамин Косоний бошчилигида котиблар ва рассом – мусаввирлар тайёрлайдиган махсус мактаб очилган⁴⁷. Ҳатто ва мутаржимлар арқони давлат томонидан моддий таъминлаб турилган;

Бу адабий муҳит темурийлар даври маданияти, адабиёти анъаналарининг ушбу даврда қайта жонланиши билан ажралиб туради. Бу ҳол: а) Навоий шеъриятига издошлиқда; б) Жомий, Камол, Лутфий, Навоий, Фузулий, Бедил ғазалларига татаббуъ битиш анъанасининг кенг ёйилишида; в) “Ҳамса” дostonларига жавобия тарзида эпик асарлар ёзилишида; г) Лутфий, Навоий, Фузулий, Бедил асарларининг кўплаб нусхаларда кўчирилиб тарқатилишида намоён бўлади.

Мазкур етти жиҳат диссертацияда мисол ва далиллар билан батафсил таҳлил этилган.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Адабий анъана ва ижодий ўзига хослик**” деб аталиб, тўрт фаслни ўз ичига олади. Бобнинг илк *фасли* “*Шарқ мумтоз адабиётишунослигида анъана ва ўзига хосликнинг назарий асослари*”

⁴⁷Ҳомидий Ҳ. Кўҳна Шарқ дарғалари. - Тошкент: Шарқ, 1999. - Б. 313.

деб номланади. Маълумки, Шарқ сўз санъати юксак даражадаги анъанавийлиги билан ажралиб туради. Кўплаб қалам аҳлларининг бу мустақкам қолипни ёриб чиқолмай, анъана қобиғида қолиб кетганликлари ҳам шундан. Фақат катта истеъдод эгаларигина бу анъаналар доирасида ўзига хосликка эришганлар, янгилик яратганлар.

Аслида анъана ҳам бутунлай қотиб қолган нарса эмас, балки ҳаракатдаги ҳодиса. “Адабий анъана – ўтмиш адабиёти тўплаган ижодий тажрибалар қаймоғи, даврлар ўтиши билан аҳамияти ва долзарблигини йўқотмаган, боқий қадриятга айланиб, авлоддан - авлодга ўтиб келаётган қисми... Ҳар бир авлод ўтмиш адабиётига сайлаб муносабатда бўлади, унга фаол ижодий ёндашади, салафлар тажрибасини ўз даври кўйган бадиий-эстетик вазифаларни бажаришга хизмат қилдиради”⁴⁸. Фақат у инқилобий йўсинда эмас, балки тадрижий равишда босқичма-босқич тараққий этиш йўлидир. Анъанага асосланган ўзига хослик ҳам жаҳон адабиётига кўплаб буюк истеъдодларни тухфа этгани бунинг ёрқин далилидир. Айни жиҳатдан, И.Ҳаққуловнинг қуйидаги фикрлари эътиборга молик: “Мумтоз шеърят анъана тилида сўзлаш санъати эди. Бир неча асрлар мобайнида бадиий ижодни бошқарган, унга ҳукмронлик қилиб келган анъанавийлик қонуниятлари эса оригинал асарлар қатори, тақлидчилик, нусхакашлик ва яқрангликнинг адабиётда мавқе топишига ҳам имкон берган. Шунга қарамасдан, анъанавийлик – улуғ йўл ва буюк санъат мактаби. Навоийдек даҳо санъаткор ҳам шу ижод мактабида таҳсил олган. Бобурнинг Бобур бўлишида анъананинг ролини камситиш гумроҳлик бўлурди. Демак, ҳамма гап – истеъдодда. Адабиёт фақат ҳақиқий истеъдодларга таяниб, ўзини ўзи янгилаб боради”⁴⁹.

Анъана доирасида ижод қилиш, янгиликлар киритиш жуда мураккаб ва қийин жараён. Бир шоирнинг иккинчи бир шоирнинг ижодидан таъсирланиши фақат татаббу ва тавр, умумий ном билан аталганда – назиранавислик билан чеклаш, албатта хатодир. Баъзида издошлик, адабий таъсирланиш чегаралари риоя этилмагани сабабли адабий ўғрилиқ (плагиат) ҳодисаси ҳам содир бўлиши мумкин. Бу ҳолатлар ҳам мумтоз адабиётшуносликнинг билимдонлари назарида четда қолмаган. Айниқса, араб ва форс тилида яратилган адабиётшунослик манбаларида бу мавзуга доир алоҳида боб ажратилган.

Ижодкорларнинг бошқа шоирдан таъсирланиши турлича бўлади: баъзан асар қандай бўлса, бошқа бир тилга айнан таржима қилинади (кейинчалик бу таржиманинг таъсири бошқа мустақил равишда ёзган асарларида ҳам яққол намоён бўлади); айрим ҳолларда таржималар эркин суратда амалга оширилади (Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун”и бунга мисол бўла олади); айрим ҳолларда маъно-моҳият ўзгартирилмай, фақат шакл ўзгаради; бошқа пайт ифода тарзи дахлсиз қолиб, мазмунга янгилик киритилади. Айрим

⁴⁸Қуроноф Д., Мамажоноф З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. -Т.: Akademnashr, 2010.-Б.12.

⁴⁹Ҳаққул И. Ўзбек мумтоз адабиёти ва тасаввуфни ўрганиш муаммолари (Адабиётшунос Э. Очилов билан суҳбат) // Ўзбек тили ва адабиёти. - 2003. - № 2. - Б. 59.

пайтларда эса, вазн, қофия ва радиф сақланган ҳолда бутунлай янги асар вужудга келади.

Кўриниб турибдики, ижодда бошқалардан илҳомланишнинг бир қанча турлари мавжуд ва уларнинг чегараларини қатъий равишда белгилаш кўп қийинчиликларни туғдиради. Шу сабабдан, бадий ижодда таъсирланиш турлари ҳақида балоғат илмига доир манбаларда турли таснифлар мавжуд бўлиб, улар ҳақидаги таърифлар баъзан бир-бирини инкор ҳам қилади. Мазкур таърифларни шартли равишда иккита катта гуруҳга ажратиб таснифлаш ва уларни умумлаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: бадий ижодда ижобий маънодаги таъсирланиш турлари ҳамда таъсирланишнинг салбий баҳо бериладиган шакллари.

Ижобий маънодаги таъсирланиш турларига оид атамалар ва истилоҳлар сифатида *назира*, *татаббу*, *тавр*, *таворуд*, *тазминни* келтириш мумкин.

О.Шарафиддинов ҳақли равишда таъкидлаганидек, назирачиликнинг асосида бир шоирнинг ўз фикри-туйғуларини ифодалаш учун иккинчи бир ёзувчи асарига мурожаат қилиб, унинг вазн, қофия, сюжет, формасини асос қилиб олиш, шу асарга эргашиш ётади. Шоир назирага асос қилиб олган асарнинг ғовий мазмуни орқасидан бутунлай эргашувга мажбур эмас. Бу асардаги баъзи фикрларни қабул қилиш, баъзиларини рад қилишга тўла ҳақи бор. Ўзининг назираси орқали у шоир билан мубоҳаса, муноқаша қила олади. Катта ёзувчилар назирачиликни янги фикр, янги идеяларни ифодалашга хизмат эттирганлар. Ўз назираларида усталикнинг юқори поғонасига кўтарилиш намунасини кўрсатганлар⁵⁰.

Назиранинг яна бир шакли сифатида татаббу ҳодисаси мавжуд бўлиб, М.Имомназаров унинг асосий белгиси сифатида “бир мавзу, бир сюжет асосида бир қанча ижодкорларнинг асарлар яратиши”ни⁵¹ кўрсатади.

Ўзбек шеърлятида татаббу тарихи ва маҳорат масалаларини махсус ўрганган Бахтиёр Файзуллоевнинг ёзишича, “ўзбек шоирлари татаббунависликка фақатгина бадий маҳоратни шакллантириш воситаси сифатидагина қарамай, унга етук ва машҳур салаф ёки замондош ижодкор билан беллашиш имконияти сифатида ҳам муносабатда бўлдилар”⁵². Татаббу фақат ғазал ёки қасида доирасида чегараланиб қолмай, йирик асарларга, жумладан, дostonларга ҳам татаббу қилинган. Шарқ адабиётида яратилган ҳамсалар унинг илк ижодкори Низомий Ганжавий “Хамса”сига татаббу эканлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Тавр араб тилида тарз, сурат; тартиб, равиш; усул, услуб маъноларини беради. “Татаббудан фарқли равишда таврда вазн, қофия ва радиф мезон қилиб олинмайди, балки ўзга шоир қўллаган услубда янги талқиндаги тимсоллар ва бадий тасвир воситаларидан фойдаланиш талаб қилинади. Бу

⁵⁰Шарафиддинов О. Умархон давридаги Фарғона шоирлари // Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси. II жилд. XV–XIX асрлар. Олий педагогик ўқув юртлари учун (Тузувчи О.Шарафиддинов). -Т.: Ўздавнашр, 1945. - Б. 192.

⁵¹Имомназаров М. Навоий ва форс мумтоз адабиёти: татаббу ва талқин // Алишер Навоий ижоди ва Шарқ адабиёти (Илмий мақолалар тўплами). - Тошкент: Шарқшунослик институти. 2011. - Б. 38.

⁵²Файзуллоев Б. Ўзбек шеърлятида татаббу тарихи ва маҳорат масалалари (XVII-XIX асрлар ва XX аср бошлари ғазалчилиги асосида). Номз. дисс. автореф.. - Т., 2002.- Б. 11.

ўзига хос ижодий таъсирланиш ва адабий мусобақа йўсинида бўлиб, салафлар ёки замондошларнинг шеърларидаги услуб асосида мазмуннинг ўзгачалигига эришиш ва унинг янгича жилоларини кашф этишга қаратилган бўлади”⁵³.

Хусусан, Амирий ижодида ҳам Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий, Мирзо Абдулқодир Бедил каби Шарқ мумтоз сўз санъатининг забардаст намояндалари услубида битилган қатор ғазалларга дуч келамиз.

Таворуд – икки ижодкорнинг бир-биридан хабарсиз ҳолда бир маънони айнан ифодалаш ҳолати демакдир. Бундай ҳолатни адабиётшунослар ижодий жараёнда жоиз деб ҳисоблашган. Алишер Навоий “Мажолис ун нафоис” асарида бир рубоий матнини келтириб, мазкур рубоий Кичик Мирзо ва Абдурахмон Жомийнинг таворуд билан ёзилган шеъри эканлигини айтади⁵⁴.

Тазмин истилоҳи маълум бир машҳур шоирнинг байти ё мисрасини қисман ё тўлиқ шаклда шеър таркибида келтиришга нисбатан қўлланилади. Шунинг билан бирга, таъсирланишнинг салбий ҳолатлари ҳам мавжудки, улардан баъзилари қуйидагилардир: *сирқа*, *интиҳол*, *насх*, *масх*, *салх*, *илмом*, *мусолита*, *изорот*.

Улардан энг машҳурлари сирқа ва интиҳолдир. *Сирқа* (арабча – ўғрилиқ) ва *интиҳол* (арабча – ўзлаштириш)га деярли бир хил таъриф берилган. Жумладан, Шамс Қайс Розий интиҳол таърифида шундай деб ёзади: “Юзсизлик билан бировнинг шеърини ўзгартирмасдан, ёки таҳаллусини ўзгартириб, айрим жуъий ўзгартишлар билан ўзиники қилиб олиш амали интиҳол деб айтилади”⁵⁵. “Дақойиқ аш-шеър” муаллифи Тож ал-Ҳаловий айни шу таърифни деярли ўзгаришсиз келтириб, бундай ўғрилиқдан мақсад – эътибор қозониш ва мукофот илинжи эканини илова қилади⁵⁶.

Илми балоғат қоидалари ва шеърятнинг амалий тажрибаларига кўра, таворуд, тазмин, назира, татаббу, тавр каби адабий ҳодисалар анъанавийлик доирасидаги новаторлик жараёнини кучайтирса, илмом, интиҳол, сирқа, насх, масх каби тушунчалар билан қайд қилинган ҳолатлар бадиий-эстетик тафаккур тараққиётига фақат зиён еткази. Бу ҳолатлар назиранинг доирасида содир бўлиши мумкинлигини ҳисобга олсак, бадиий ижодда издошлик ва татаббу боғлаш ижодкордан қанчалик катта масъулият талаб қилинишини тасаввур қилиш қийин эмас. Диссертацияда бу масала атрофлича таҳлил этилган.

Хулоса қилиб айтганда, мумтоз адабиётшуносликда адабий анъана ва таъсирланишнинг назарий асослари ҳақида муайян фикрлар мавжуд бўлса-да, уларни ягона махражга келтириш ва умумлашма хулоса чиқариш зарурати мавжуд. Адабий издошлик ва адабий ўғрилиқ чегараларини белгилаш тамойилларини мумтоз шеършунослик мезонлари асосида амалга

⁵³Давлатов О. Тавр // Алишер Навоий: комусий луғат. Икки жилдли. 2-жилд. - Т.: Шарқ, 2016. - Б. 7.

⁵⁴Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 9-жилд. Т.: Ғулом номидаги НМИУ, 2011. - Б. 415.

⁵⁵Розий, Шамсиддин Муҳаммад бин Қайс. Ал-Муъжам фи маъойир ашъор ил-Ажам. Техрон, 1354.- С. 464.

⁵⁶Тож ал-Ҳаловий. Дақойиқ аш-шеър. -Техрон: Суруш, 1334. - С. 97.

оширилиши бадий асарнинг бадий-эстетик қимматини белгилашда муҳим ўрин тутди.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли “*Туркий адабиёт ва Амирийнинг маънавий-эстетик олами*” деб номланади.

Амирийнинг санъаткор шоир, ғазал устаси, моҳир мухаммаснавис бўлиб этишишида бой ва ранг-баранг муаззам туркий адабиётнинг таъсири катта эканлиги шубҳасиз. Диссертацияда Амирий ижодига Лутфий, Навоий, Фузулий, Залилий каби шоирларнинг ҳаётбахш таъсири ўрганилган.

Алишер Навоий ўзбек адабиёти тарихида алоҳида ҳодиса бўлган Қўқон адабий муҳитининг ғоявий раҳнамоси эди, десак, сира муболаға қилмаган бўламиз. Чунки шоҳ-шоир Амирий бошчилигидаги бу муҳитнинг юзга яқин намояндalarидан бирортасининг ижодини ўзбек адабиёти асосчиси бой ва серқирра меросининг самарали таъсиридан айри ҳолда тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Адабиётшунос Абдурауф Фитратнинг қайд этишича: “Қўқон хони Умархон теграсида йиғилган шоирларнинг ҳаммалари Навоийнинг содиқ шогирдлари бўлиб қолдилар”⁵⁷. Шоира Дилшод ҳам “Тарихи муҳожирон” (“Муҳожирлар тарихи”) асарида Қўқон адабий муҳити намояндalarи хусусида фикр юритар экан, “Ижод йўлида аксар табъ эгалари буюк амир ва адабиёт шоҳи Навоий ғазалларини ўргандилар”⁵⁸, - деб маълумот берган эди.

Ғазал мулки султонининг Қўқон адабий муҳити асосчиси ва етакчисига таъсири кенг ва серқирра бўлиб, бу таъсир қирраларини асосан уч йўналишда ўрганиш мумкин: Амирийнинг Навоий ғазалларига татаббулари; Амирийнинг Навоий ғазалларига мухаммаслари; Амирий ижодида навоиёна оҳанглар⁵⁹.

Амирий татаббу қилинаётган ғазалга ҳамиша ижодий ёндашиб, унинг асосида оригинал ғазал яратишга интилади. Жумладан, Навоийнинг “қолмамиш” радифли ғазалига қилган татаббусида шу ғазалдаги мақтаъдан олдинги байтдаги фикрнинг янги ва ўзига хос талқини асосига қурилган матла билан бошлайди:

Навоий:

*Гул чоғи боғинггаким йўл бермадинг, эй боғбон,
Чинмудур дай бўлғали дерлар сафоси қолмамиш*⁶⁰.

Амирий:

*Боғ аро дай шиддати бирла фазоси қолмамиш,
Гул била булбулни ҳам баргу навоси қолмамиш*⁶¹.

⁵⁷Фитрат А. Танланган асарлар. II жилд (Нашрга тайёрловчи Ҳ.Болтабоев). -Т.: Маънавият, 2006. - Б. 175.

⁵⁸Дилшод. Тарихи муҳожирон // Дилшод. Анбар отин. Ўзбек шоирлари баёзи (Тузувчи М.Қодирова). - Т.: Фан, 1994. - Б. 85.

⁵⁹ Бу ҳақда қаранг: Қобилова З. Татаббуда анъана ва ўзига хослик // Ўзбек тили ва адабиёти, 2019, 1- сон. - Б. 59-62; Қобилова З. Навоий ва Амирий. Рисола. Т.: Адабиёт учқунлари, 2019.

⁶⁰Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. 2-жилд. - Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. - Б. 274.

⁶¹Амирий. Девон. I. Ўзбекча шеърлар (Нашрга тайёрловчилар А.Мадаминов, Э.Очилов, З.Қобилова, О.Давлатов). - Т.: Tamaddun, 2017. - Б. 134; Амирий. Девон. II. Тожикча шеърлар (Нашрга тайёрловчилар О.Давлатов, З.Қобилова). - Т.: Tamaddun, 2017. Шоир асарларидан иктибослар шу нашрдан олинди, жилди ва саҳифаси қавс ичида кўрсатилади.

Диққат қилинса, Навоий: “Эй боғбон, гул фаслида менга йўл бермаган эдинг, айтишларича, қиш келиб, боғнингнинг аввалги таровати қолмагани чинми?”- деб сўраса, Амирий эса гапни тўғридан-тўғри қиш бостириб келиб, боғнинг аввалги жозибаси, гул билан булбулнинг ҳам баргу навоси қолмаганидан бошлайди ҳамда табиат тажовузи билан бошланган ғазал маъшуқа ситами ва жафоси тасвири билан боғланиб кетади:

*Ишқида эмди манго васли ҳавоси қолмамиш,
Нечаким қилдим вафо, онинг жафоси қолмамиш (1, 134)*

Навоий ғазали эса мана бундай бошланади:

*Менга эмди сарв ила гул муддаоси қолмамиш,
Сарв бўйлуқ гулжабинларнинг ҳавоси қолмамиш⁶².*

Амирийнинг Навоий ғазалларига татаббуларида икки ҳолат кўзга ташланади: у баъзи татаббуларида салафи қаламга олган мавзуни у қўллаган вазн, қофия ва радифдан фойдаланган ҳолда ижодий давом эттириб, салафи фикрларини ривожлантириб, уларнинг янги қирраларини очса, кўпгина татаббуларида устод шоир ғазалидан илҳомланиб, айна вазн, қофия ва радифда мутлақо янги ғазаллар битади. Баъзида устод шоир қўллаган радифни оладию, лекин қофияни янгилайди. Зеро, татаббу адабий издошлик ва ижодий беллашув бўлиб, у анъана, янгилик ва маҳоратнинг ўзаро омукталашувидан ташкил топади⁶³. Масалан, Навоий “ҳофиз” радифли ғазалида Қуръонни маҳорат билан қироат қилувчи қорини таърифлаган бўлса, Амирий айна ғазал асосида битган ғазалида “ғазалхон ҳофиз”ни мадҳ этади, яъни ғазал асосида ғазал ижод қилади.

Амирий татаббуларининг қиёсий таҳлили шоир ижодининг қайси чашмалардан сув ичганлигини кўрсатибгина қолмай, адабий меросидаги анъана ва янгилик нисбатини ўрганиш, забардаст сўз санъаткорининг бадиий маҳорати ва ўзига хослигини очиб беришга ҳам имкон яратади.

Амирийнинг қатор шеърларида Фузулийга издошлик қилганини ҳам кўриш мумкин. У Фузулий ғазалларига бир неча татаббу ёзади, тахмислар боғлайди, “бенгзатдим”, “айдукча”, “чўх”, “топан”, “бўлан”, “чекан”, “ўлан”, “қилан”, “вор”, “кўран”, “кездигидур”, “синдуран”, “сонур”, “йўх”, “дўндирмиш”, “веруб”, “эдан” радифли, “Маниким маст кўрдингиз, деманг оби инабдиндур”, “Саодат гавҳари эл қўйнида поси адабдиндур”, “Мани ҳайронлиғим, эй нозанин, зеболиғингдиндур”, “Не кўзлардурки, торож этмага хунхорлардурлар” мисралари билан бошланадиган ғазаллари ҳам улуғ озар шоирига ўзига хос татаббулар бўлиб, мазмун ва шаклда Фузулий ғазалларига жуда яқин.

XVIII аср уйғур адабиётининг таниқли намояндаси, “жуда кучли ва хушоҳанг туркий шеърлар”⁶⁴ ёзган Муҳаммад Сиддиқ Залилий ўзбек халқи орасида ҳам машҳур бўлиб, Амирий унинг икки ғазалига мухаммас қилган.

⁶²Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. 2-жилд. -Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. - Б. 274.

⁶³Файзуллоев Б. Ўзбек шеърлятида татаббу тарихи ва маҳорат масалалари. Филол. Фанлари номз. дисс. автореф. - Т., 2002. - Б. 12.

⁶⁴Қайюмов П. Тазкирай Қайюмий. Уч китобдан иборат. 1-китоб. - Тошкент, 1998. - Б. 82.

Вадуд Маҳмуд шоирнинг “Фалак пиёласидин шарбати шухуд етар” мисраси билан бошланадиган ғазалига Амирий томонидан боғланган мухаммас ҳақида фикр билдиради ва шоир ижодига юксак баҳо беради: мухаммас “...банд-бандга ажралғон ва ҳар қайғусида бир-бировига алоқадор, фақат айри-айри мавзулар ишлататурғон, яъни бутун фикрлар берилиб, тугатиб бир-бировидаги робитани маҳкам боғлаб бориш учун энг мукаммал шаклдир. Сўзларнинг терилиши, калималарнинг оҳангдорлиги, ҳарфларнинг садо бературғон, титрайтурганларининг олиниши кўрсатадирки, Умархон ҳақиқий бир санъаткордир”⁶⁵.

Хуллас, Амирий асос солган адабий муҳитда туркий адабиётнинг уч асосий тармоғи – ўзбек, озарбайжон ва уйғур адабиётларининг мумтоз вакиллари мерос қолдирган шеърят маҳорат мактаби вазифасини бажарган. Амирий ўз ижодида бу уч муаззам адабиётнинг ижодий тажрибаларини синтез қилиб, янги асарлар яратишга эришгани аниқ мисоллар орқали кўрсатиб берилди. XVIII аср охири – XIX аср бошлари Қўқон адабий муҳитининг адабий-бадий сарчашмалари жуғрофияси туркий халқларнинг миллий адабиёти намояндалари ҳисобидан кенгайганини Амирий ижоди мисолида кўриш мумкин.

Бобнинг кейинги фасли “*Форс-тожик адабиёти ва Амирий ижодиётининг такомилли*” деб аталади.

Маълумки, форс-тожик адабиётининг ўзбек адабиётига таъсири катта. Бунинг бир қанча сабаблари бор: 1) асрлар давомида бизнинг минтақамизда ҳам худди араб тили илм тили бўлгани каби форс тили адабиёт тили бўлиб хизмат қилган; 2) форс тили мадрасаларда ўқитув тили вазифасини бажарган⁶⁶; 3) форс-тожик адабиётининг Фирдавсий, Низомий, Аттор, Саъдий, Румий, Камол, Ҳофиз, Жомий, Бедил каби забардаст намояндалари асрлар давомида ўзбек шоирларига кучли таъсир ўтказиб келганлар. Бунинг натижасида ўзбек ва форс-тожик адабиёти муштарак адабий анъаналар ва тимсоллар олами билан бақамти ривожланган.

Амирийнинг форсий тилдаги ижодига *Камол Хўжандий, Ҳофиз Шерозий, Мавлоно Жомий, Абдураҳмон Мушфиқий, Соиб Табризий, Мирзо Бедил* каби форс-тожик шоирларининг ғазаллари ижобий таъсир кўрсатган.

Амирий *Камол Хўжандий*нинг “Ба чашм” номли машхур ғазалининг илк мисрасини тазмин ўлароқ олса-да, уни ўзига хос оригинал ғазал даражасига кўтаради:

Ёр гуфт: “Аз ғайри мо нўшон назар!” Гуфтам: “Ба чашим!”
*“В-он гаҳе дуздида бар мо менигар!” Гуфтам: “Ба чашим!”*⁶⁷

⁶⁵Маҳмуд В. Бу кунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз / Танланган асарлар. -Тошкент: Маънавият, 2007. - Б. 90.

⁶⁶Бу ҳақда қаранг: Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. - Т.: Маънавият, 1999. - Б. 150-151. Машхур маърифатпарвар 1913 йили “Ойна” журналида эълон қилинган “Икки эмас, тўрт тил лозим” деган мақоласида бу ҳақда, жумладан, шундай ёзади: “Барча мадрасаларда шаръий ва диний китоблар арабий таълим берилса ҳам, мударрисларни тақриру таржималари форсчадур. Бу коида, яъни дарс китоби арабий, муаллим туркий, тақриру таржимани форсийлиги хийли ажибдур”.

⁶⁷Камоли Хўжандий. Девон (Бо муқаддима, таҳия ва тафҳеҳи Б.Мақсудов). -Д.: Адиб, 2015. - Саҳ. 394.

Мазмуни: “Ёр: “Мендан бошқасига қарама!” – деб талаб қилди, мен эса унга жавобан: “Бош устига!” – дедим. “Баъзида биз сари ўғринча нигоҳ ҳам ташлаб қўй!” – деди яна лутф кўрсатиб, мен ҳам дарҳол “Албатта, бош устига!” – дедим”.

Гуфт ёр: “Аз ғайри мо нўшон назар!” Гуфтам: “Ба чашим!”

“Баъд аз он бепарда бар рўям нигар!” Гуфтам: “Ба чашим!” (2,231)

Мазмуни: ““Ёр: “Мендан бошқасига қарама!”- деб талаб қилди, мен эса унга жавобан: “Бош устига!”- дедим. “Бундан кейин менинг юзимга пардасиз назар ташла”, - деди. “Бош устига!” – дедим”.

Ҳофиз Шерозий ғазалларидаги тимсоллар олами, бадий ифода услуби, баён ва тасвир воситалари Амирийнинг ҳам форсий, ҳам туркий шеърятига сезиларли таъсир кўрсатган. Улардан характерли ҳисобланган “ғам махўр” (“ғам ема”) радифли машҳур ғазалига Амирий татаббу ўлароқ айни вазн, қофия ва радифда икки ғазал яратгани аниқланди ва диссертацияда таҳлил этилди.

Ҳофиз:

Юсуфи гумгашта боз ояд ба Канъон, ғам махўр,

Кулбаи эҳзон шавад рўзе гулистон, ғам махўр!⁶⁸

Мазмуни: “Ном-нишонсиз кетган Юсуф яна Канъонга қайтади ва бир куни албатта бу ғам кулбаси гулистонга айланади, ғам ема”.

Бу байт талмеҳ санъати асосига қурилган бўлиб, акалари мисрлик савдогарларга сотиб юборган Юсуф алайҳиссалом ва унинг йўлига кўз тикиб, йўл бўйида “Ғамхона” номи билан машҳур бўлган бир кулба тиклаб, нурийдаси ҳажрида йиғлай-йиғлай кўр бўлиб қолган Яъқуб алайҳиссалом қиссасига ишора қилади.

Амирий:

Эй дили девона бо андўҳи ҳижрон ғам махўр,

Ком жўй ёфтан аз васли жонон, ғам махўр (2,135).

Мазмуни: “Эй девона кўнгил, айрилиқ аламидан кўпам ғам ема, агар астойдил изласанг, ёр васлидан мақсадинг муяссар бўлади”.

Эй дили озурда, аз осеби даврон ғам махўр,

3-инқилоби гардиши гардуни гардон ғам махўр (2,137).

Мазмуни: “Эй хаста кўнгил, замон ранжу кулфатларидан, айланувчи фалакнинг айланиши туфайли содир бўлган ўзгаришлардан сира ғам ема”.

Маълум бўладики, Амирий бир ғазалга бежиз иккита татаббу қилмаган: уларнинг бири айрилиқ азобларидан баҳс этса, иккинчиси инсон хоҳишларига акс ҳаракат қиладиган фалак туфайли бошига юзланадиган ғаму кулфатлардан шикоят асосига қурилган. Шунингдек, бир ғазалга иккита татаббу боғлаш орқали Амирий бадий сўз беллашувида имкониятлари чекланмагани, бир қофия ва вазн туркумида турли ранг ва оҳангда янги-янги ижодий тажрибаларни амалга ошириш мумкинлигини амалда исботлаб берган.

⁶⁸Ҳофиз Шерозий. Куллиёт. - Д.: Ирфон, 1983. - Саҳ. 316.

Амирийнинг ўзбек тилидаги ижодига Алишер Навоий қанчалик кучли таъсир кўрсатган бўлса, форсий тилдаги ижодига Мирзо Бедил шунчалик кучли таъсир кўрсатган. Худди “Девони Фоний” Навоийнинг “Ҳофизнома”си бўлганидек, Амирий форсий девони ҳам унинг ўзига хос “Бедилнома”сидир. Чунки унинг аксар ғазаллари Бедилга татаббу ёки унинг услуби ва таврида ёзилган.

Бедил шеърларида кўп учрайдиган истилоҳлардан бири “тахқиқ” бўлиб, у ҳам фалсафий маънода келади. “Бедилда бу сўз ҳақиқатни билиш, ҳақиқатни англаш йўлида интилиш маъносида ишлатилади”⁶⁹. Амирий ғазалларида бу истилоҳга ҳам тез-тез дуч келамиз:

Таҳқиқи вужуду адами хеш гирифтам,

3-он нуқтаи мавҳум, ки шакли даҳанастаи (2, 157).

Мазмуни: “Оғиз шаклидаги мавҳум нуқтадан ўзимнинг борлиғу йўқлигим таҳқиқини қилдим.

Амирий ижодига ойна, хайрат, сурат, жилва каби истилоҳлар Бедил таъсирида кириб келди.

Маълум бўладики, муаззам форс-тожик адабиёти Амирий маҳоратининг камолга етишишида муҳим роль ўйнабгина қолмай, зуллисонан шоир сифатида шаклланишида ҳам кучли таъсир кўрсатган

Бобнинг тўртинчи фасли “*Мухаммаснавислик – ижодий баҳрамандликнинг ўзига хос кўриниши*” деб номланади.

Биз нашрга тайёрлаган Амирийнинг икки жилдлик девонида мухаммас етакчи ўрин тутди. Мазкур девонда Лутфий (4), Навоий (24), Фузулий (2), Залилий (2), Нобий (1) каби ўзбек, Камол Хўжандий (1), Абдурахмон Жомий (2), Абдурахмон Мушфиқий (1), Соиб Табризий (2), Мирзо Бедил (7), Шўхий Хўжандий (2), Холис (1) каби форс-тожик сўз санъаткорлари ғазалларига боғланган мухаммаслар ўрин олган. Салафлари ва замондошлари ғазалларига ёзилган 33 та ўзбекча ва 16 та тожикча мухаммасига яна ўзининг 6 та ўзбекча, 2 та тожикча мухаммасини қўшса, у жами 57 та мухаммас ёзган бўлиб чиқади.

Диссертацияда Лутфий, Фузулий, Залилий, Жомий, Соиб, Бедил, Шўхий ғазалларига боғланган мухаммаслар таҳлил қилинган.

Туркий тахмислар ичра Амирий энг кўп *Алишер Навоий* ғазалларига мухаммас боғлаган – 24 та. Тахмис учун халқ ичида машҳур, бадий юксак намуналарнинг танлаб олинишининг ўзи шоҳ-шоирнинг бадий диди ва ижодий салоҳияти баландлигидан далолат беради. Улардан 1 таси – 11, 1 таси – 10, 9 таси – 9, 4 таси – 7 байтли ғазалларга боғланган. Забардаст шоирларнинг йирик ғазалларига тўлиқ мухаммас боғлаш мухаммас муаллифининг улкан иқтидорини кўрсатади.

Амирий тахмислари таҳлилидан қуйидаги фикр-хулосаларга келинди:

Амирий асосан радифли ғазалларга мухаммас боғлаган. Радифли ғазалга тахмис боғлаш алоҳида маҳорат талаб қилади. Мантиқий урғуни тақрор

⁶⁹Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоийлар (Изоҳлар қисми). - Т.: 1986. - Б. 104.

бўлиб келадиган бир сўз ё бир иборага йўналтириш, радиф бўлиб келган сўзнинг турли маъно-мазмун товланишларини беш мисрада очиб бериш, энг муҳими – тугал маънони ифода этган бир байтни янги мазмун-моҳият билан бойитиб бориш ҳаммининг қўлидан келаврадиган иш эмас. Амирий буни муваффақият билан удралайди.

Қофия тизимида ҳам устоз санъаткорларга издошлик қилади. Мисранинг қофиясини таъминловчи сўз этимологик жиҳатдан қайси тилнинг лексик қатламига мансуб бўлса, Амирий айнан ўша қатламдаги сўзларни қофия сифатида келтиришни маъқул кўради. Масалан, Амирийнинг туркий девонидаги иккинчи мухаммасининг учинчи бандида Навоий қўлланган “куёш” сўзига “ёш”, “қош”, “бош” каби соф туркий сўзлар қофия вазибаларини бажарган бўлса, ундан кейинги бандда Навоий қўллаган “такаллум” сўзига арабча қофия тизимини қўллашни мувофиқ деб билган:

Мониъ ўлди ёшима, васлинг тараххум айлади,

Шоми ҳижрондин куёшдек рафъи анжум айлади,

Гаҳ итобу ноз айлаб, гаҳ табассум айлади,

Наргисинг афсун, гулбаргинг такаллум айлади,

Ақли кул топти фириб, ул макри олийни кўруб (1, 366).

Амирий фақат ошиқона ғазалларга тахмис боғлашни маъқул кўради. Унинг мухаммасларида ҳасби ҳол, орифона, ҳамд ва наът мавзуларидаги шеърларни кўрмаймиз. Бу ҳам Амирийнинг ижодга муносабатини билдирувчи жиҳатлардан бири ҳисобланади.

Тахмислар 5 банддан 11 бандгача тузилган. Амирий имкон борича ғазални тўлиқ бешлаштириш йўлидан борган. Барча байтларга тахмис боғлаш бир томондан мухаммас боғловчининг шоирлик маҳоратини белгиласа, иккинчи томондан, тахмис боғланаётган ғазал тўлиқ ҳолда келажак авлодга етказишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Амирий тахмис боғлаш жараёнида устозлар қўллаган образ ва тимсоллар ҳамда лексик қатламдан фойдаланишга ҳаракат қилади. Агар Фузулийга боғлаган тахмисларида ўғузча шева элементлари (“чўх”, “қаму”, “сантак”, “ўландан сўр”) қўлланилган бўлса, Навоий ғазалларига боғланган тахмисларда соф ўзбекча сўзлар ва иборалар қўлланилганига гувоҳ бўламиз.

Бадий санъат қўллашда ҳам Амирий устозларга тўлақонли издошлик қилгани, улар қўллаган лафзий ва маънавий санъатларни янги имкониятларини намоён этгани ҳам унинг шеърийят бобида кўзга намоён муваффақиятларга эришганига яна бир далилдир. Масалан, “Қасрнинг хар кунгури узра бало тошимудур?” мисраси билан бошланадиган ғазалда тажоҳули ориф санъатининг янги-янги қирралари намоён бўлган бўлса, “Баҳор айёми келди, ўлди олам тозау хуррам” мисраси билан бошланадиган мухаммас тўлиқ ички сажъ асосида яратилганига гувоҳ бўламиз:

Ики кўзи эрур кофар, чекиб мижгонидин ханжар,

Хати лаълинг эрур ахзар, даҳонинг чашмайи кавсар,

Хироме ўлди жонпарвар, қади сарфитнаи маҳшар,

Чаман сарви қолиб бевар, менинг сарвим бўлуб дилбар (1, 390)

Амирий тахмисларида қандайдир янги сўз айтилади, унга санъатлар, тил унсурлари кўшилади. Анъанавий мазмун янгича мулоҳазалар, ўзига хос мушоҳадалар замирида кучли таъсирчанлик касб этиб боради. Бугина эмас, анъанавий ташбеҳлар, ҳатто бадий асар тилига тегишли унсурларгача Амирийга хос ижод чизиқлари кузатилади. У тахмислар тилининг пурмаъно бўлишига, чиройли ташбеҳ, сифатлаш, истиора каби бадий санъатларни истифода этиб, ўқувчига мақбул ва манзур этишга ҳаракат қилган. Устозлар шеъриятининг замирида яширин ётган сирларни илғай билган, шу сирлар таъсирдан завқланган, янгидан-янги бадий ифодалар яратишга уринган. Амирий бирор шоир ғазалига тахмис боғлаганда ғазал қофияси ва унинг тузилишига эътибор қилиш билан бирга, ғазалнинг руҳига, унда яратилган тимсолларнинг маънавий мазмунига ҳам диққат қилган.

Тадқиқотнинг учинчи боби “**Амирий шеъриятининг ғоявий-бадий хусусиятлари**” деб номланади. Бобнинг биринчи фасли “*Амирий шеърларининг мавзу кўлами ва образлар олами*” деб аталади.

Амирий девонидаги ғазаллар мавзусига кўра асосан ошиқона шеърлардан иборат. Иккинчи ўринда орифона ва учинчи ўринда риндона шеърлари туради. Лекин умумижоди мисолида шоир асарларини диний, тасаввуфий, ишқий ва маъвиза шеърларга ажратиш мумкин. Унинг шеъриятида деярли ҳажв-сатирани кўрмаймиз. Баъзи енгил ҳазилга асосланган юмористик руҳдаги байтларга дуч келамиз. Шоҳ-шоир бўлганлиги учунми, шикоят ва ҳасрат мотивлари ҳам унча кўзга ташланмайди. Ишқий шеърларида ҳам ҳижрон азобидан кўра висол сурурини кўпроқ тараннум қилган. Айни жиҳатдан улар кўпроқ тавсифий характерда бўлиб, маъшуқа гўзаллигининг турли қирралари васф этилиши билан ажралиб туради.

Амирий шеъриятида ижтимоий-сиёсий, маданий-маиший ҳаёт билан боғлиқ лавҳалар, реал ҳаёт воқелигига муносабат мумтоз адабиёт анъаналарига мувофиқ ишқ мавзуси билан боғлиқликда акс эттирилган.

Шоир шеърлари асосан ишқий мавзуда бўлиб, уларда ҳақиқат ва мажоз тасвири ўзаро уйғунлашиб кетган. Бундай шеърларда юз, кўз, соч, қош, лаб, хат, оғиз, бел, қад, мужгон, хол каби анъанавий образлар ҳам кўпинча икки маънода, баъзида эса соф сўфиёна мазмунда келади. Диссертацияда мазкур тимсоллардан энг кўп қўлланилган ва кенг талқин қилинганлари таҳлил ва талқин этилган.

Учинчи бобнинг иккинчи фасли “*Амирий лирикасининг поэтик ўзига хосликлари*” деб номланади.

Амирий фақат салафларга эргашиб, устозлари таъсирида қалам тебратиш билан кифояланиб қолмаган, балки анъана доирасида янгилик қилишга, Шарқ адабиётида кенг ишланган тимсолу ташбеҳларнинг янги-янги

қирраларини топишга, ўзига хос фавқулодда ўхшатишлар, бадий санъатлар қўллашга ҳаракат қилган. Амирий ижодида у ёки бу бадий санъатдан холи, шунчаки ифодаланган байтлар йўқ ҳисоби. Бу унинг адабиётнинг асл моҳияти ва вазифасини чуқур тушунганлиги ва ўз ижодида адабий-эстетик талабларга риоя қилганлигидан далолат беради.

Қуйидаги байтнинг ҳар бир мисрасида лафф ва нашр қўлланилган:

Фидо бўлсун бинафша бирла райҳон хатту холингга,

Гули бодому нарғис чаши беморингдин ўргулсун (1,276).

Биринчи мисрада бинафша – маъшуқанинг хатига, райҳон – холига нисбат берилган бўлса, иккинчи мисрада нарғису бодом кўзининг сифати бўлиб келяпти.

Мана бу байтнинг иккинчи мисрасида биринчи мисрада тилга олинган нарсаларга тегишли ўхшатишлар келтирилибгина қолмай, уларнинг сифати ҳам таъкидланяпти. Бошқача айтганда, лаффу нашри мураккаб қўлланяпти:

Хатти шабранг ила майгун лаб андишасидин

Қилди шому шафақ изҳор қароу қирмиз (1,124).

Бу ерда тун каби қора хатга – шом, май сингари қизил лабга – шафақ нисбат берилгани ҳолда, яна қора рангнинг хат ва шомга, қирмизнинг эса лаб ва шафаққа нисбати бор.

Шоирнинг тазод санъатининг қўллашдан кўзда тутган мақсади ўз фикр ва туйғуларининг таъсирчанлиги, тасвирнинг ёрқинлигига эришишдан иборат. Шарқ шеъриятида маъшуқа кўзининг ошиқни эс-хушдан айириши жиҳатидан қотил, жаллод, хунрез, унга жон бағишлашига ишора қилиб, лабини жонбахш, оби ҳаёт, Масиҳ сифатлари билан таърифлаш бир анъана тусини олган. Мазкур анъанани давом эттириб, Амирий ёзади:

Хоҳ ўлтурсун кўзи-ю, хоҳ тиргузсин лаби,

Меҳрибон дерлар буни, номеҳрибон дерлар ани (1, 265).

Бу ерда аслида кўз ва лаб сўзлари бир-бирига сира ҳам зид эмас. Чунки улар инсон танаси – юзидаги икки аъзо. Кўз ва лаб фақат Шарқ шеъриятида шаклланган анъанага кўра маъно жиҳатидан бир-бирига зид, сўз сифатида эмас. Тазоднинг икки хили фарқланади – сўз тазоди ва маъно тазоди. Шарқ поэтикаси билимдонларининг гувоҳлик берилишларича “тазод сўз маъноси билан чегараланмасдан, васф қилинаётган ҳодиса ва нарсаларни ҳам ўз ичига олади”⁷⁰. Бу ерда кўз ва лаб маъно тазоди бўлиб, сўз тазоди – ўлтурсун ва тиргузсун. Иккинчи мисрада ҳам тазод санъати мавжуд бўлиб, меҳрибон ва номеҳрибон сўзлари сўз тазоди бўлиб келган. Айни пайтда, байтда лафф ва нашр санъати ҳам бор: меҳрибон деганда лаб, номеҳрибон деганда кўз назарда тутилмоқда. Биринчи – кўз, биринчи - лабни билдириб тургани учун фақат шу ўринда – контекстда бу икки сўз истиора бўлиб келган дейиш ҳам мумкин. Хоҳ юкламасининг икки марта такрорланиши такрор санъатини ҳам вужудга келтирган.

Шарқ шеъриятида шоирларнинг ўз истеъдоди, асарларининг шуҳратидан ифтихор қилиб ёзган шеър ва байтлари кўп учрайди. Мумтоз

⁷⁰Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. - Б. 64.

поэтикада бу фахрия санъати деб юритилади. Бу санъат деярли барча шоирлар ижодида учрайди. Жумладан, Амирий ҳам ўз шеърларининг бадий баркамоллиги, ҳассос ҳис-туйғуларга йўғрилганлиги, латиф ва таъсирчанлиги, ўз даврида шуҳрат тутганидан фахрланиб, қатор фахрия байтлар тузган. Чунончи, куйидаги матлаъда Амир шеърларини кўрсанг, сира таажжуб қилма, бу нозик таъбу салим зехн Ҳақнинг марҳаматидандир дейди:

*Таажжуб қилмагил ногаҳ Амир абётини кўрсанг,
Бу таъби нозику зехни салим имдоди Рабдиндур (1,114).*

Амирий ташхис санъатидан ҳам маҳорат билан фойдаланади. Шоир шеърларида ойина лоф уради, сарв қуллуқ қилади, меҳроб ўрнидан туриб таъзим этади, савсан тил чиқаради, кокил таҳсин ўқийди, бинафша ёрнинг сабз хаттига даъво айлайди, соя гаплашади, қочади, умид қўли ноз этагини туттади, сабо дам уради, санобар оҳ чекади, шамшод ёр оёғини ўпадади, сурухий қон ютади, жом оҳ чекади.

Умуман олганда, Амирий шеърлари бадий санъатларга бой бўлиб, аксарият байт ва мисраларда бир неча санъатлар бир-бирини тақозо қилиб, бир-бирини тўлдириб, ўзаро ёнма-ён келади.

Диссертацияда Амирийнинг маънавий, лафзий ва муштарак бадий санъатларнинг ўзига хос ҳолатлари, Амирийнинг поэтик топилмалари, анъанавий образ ва тимсолларга янги маъноларни “юклаши” каби масалалар тадқиқ этилган.

Шунингдек, Амирий ижодида радифларнинг янгиланганлигини кузатиш мумкин. Чунончи “эй қумри”, “анор”, “ҳай-ҳай”, “карам эттинг”, “нечук қилсун?”, “мулгонинг”, “мулгонларинг”, “қурбонинг”, “эл чекдук” каби радифлар фақат Амирий ижодига хос бўлиб, кейинги давр шоирлари Амирийдан кейингина мазкур радифларда ғазал битганлар.

Амирий ғазалларининг вазни ҳақида сўз юритадиган бўлсак, шоир девонидан ўрин олган ғазалларнинг асосий қисми рамал ва ҳазаж баҳрларининг турли-туман тармоқларида яратилган. Айни пайтда у ражаз, музореъ, мутақориб, хафиф, мужтасс баҳрларининг турли вазнларида ҳам ўз кучини синаб кўрган. Шунингдек, “Амирий ўз ижоди билан ўзбек шеърлятида ҳазажи мусаммани аштари солим ўлчовининг мустаъмал вазн сифатида мустаҳкам ўрин олишига замин яратган шоирлардан биридир... Бежиз эмаски, Амирий ва ундан кейинги даврдаги Қўқон адабий муҳитини Хива ва Бухоро адабий муҳити билан қиёсан ўрганганда ушбу вазннинг айнан Амирий мактаби вакиллари ва издошлари ижодида етакчилик қилганини кўришимиз мумкин”⁷¹.

Хуллас, Амирий шеърляти ўзбек мумтоз адабий анъанасининг узвий қисми ҳисобланади. У ижодий илҳомланган бош сарчашма Лутфий, Жомий, Навоий, Бобур, Фузулий, Бедил сингари салафлар шеърляти бўлиб, унинг лирик мероси мавзу-мундарижаси, ғоя ва образлари эътибори билан ўзигача

⁷¹Зоҳидова Д. Амирий ғазалиётининг вазн хусусиятлари // “Амирий ва Қўқон адабий муҳити” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Т.: Tamaddun, 2017. - Б. 23

бўлган адабиётга ҳамоҳанглик касб этган. Бинобарин, у ўз ижодида салафлар қалам тебратган мавзуларни муносиб даражада талқин қила олган санъаткордир. Унинг ўзига хослиги, аввало, анъанавий мавзу ва образларнинг янгича талқинида намоён бўлади.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Амирий шеърятининг бадиий-эстетик таъсир кўлами**” деб аталади. Бобнинг илк фасли “*Амирий шеърятти ва Қўқон адабий муҳити*” деб номланади.

Қўқон адабий муҳитида Амирий шеърятининг ёрқин изларини Нодира, Хон, Увайсий, Фазлий, Адо, Ҳозиқ, Гулханий, Мушриф, Хотиф, Хижлат, Фоний каби замондошларидан тортиб то Муқимий, Фурқат, Завқий ва Ҳамзаларнинг ижодида ҳам кўрамиз. Хусусан, давр шоирлари орасида Амирий ғазалларига татаббулар қилиш ижодий мусобақа даражасига кўтарилган. Бу татаббуларда шоирлар Амирий ғазалларидаги фикрларни давом эттириб, янги қирраларини очишга, тимсолу ташбеҳлар силсиласини янгидан-янги бадиий кашфиётлари билан бойитишга интилганлар. Фазлий Намангоний ўзи тузган “Мажмуаи шоирон” тазкирасини Қўқон адабий муҳити шоирларининг ана шундай татаббулари асосида тузгани маълум.

Диссертацияда *Нодиранинг* татаббу ғазалларида баъзан Амирий ғазали вазни, қофия тузилиши ва радифини сақлаб қолса, баъзида вазн ва радифни сақлаб, қофия тартибини, баъзида эса вазн ва қофия тартибини ўзгартириши, *Увайсий* ҳам Нодира каби Амирийнинг “соғиндим” радифли ғазалига вазни, қофия тизими ва радифини сақлаган ҳолда гўзал татаббу қилган ҳолда автобиографик янги ғазал яратишга эришгани, *Фазлий* татаббуларининг мақталарида ўз ҳомийсини “кўп ва хўб” таъриф-тавсиф этгани, *Муқимий* “Лаб уюр такаллумға, зулфни паришон қил!” ғазали жавобида 4 та ғазал ёзган бўлса-да, уларнинг ҳар бири оригинал ва бетакрор ғазаллар экани, *Ҳамза* эса мазкур ғазал таъсирида машҳур “Ўзбек хотин-қизларига”⁷² ғазалини ёзгани илмий жиҳатдан асосланиб, Амирийнинг кейинги давр шоирларига кўрсатган таъсири ҳақида умумлашма хулосалар чиқарилган.

Тўртинчи бобнинг иккинчи фасли “*Амирий ва Хоразм адабий муҳити*” деб аталади.

Шарқ мумтоз шеъряттида бир шоирнинг иккинчисидан таъсирланиши, аввало, ўзи таъсирланган ижодкорнинг асарларига татаббу қилишида намоён бўлади. Огаҳий ҳам Амирийнинг “қил”, “салламно”, “муборак”, “устина” каби қатор ғазалларига бетакрор татаббулар қилади. Шунингдек, Амирийнинг “Зи тоби бода то шамъи жамолат равшан аст имшаб” ва “Ба жон, эй гулбадан, ҳастам асири сарви болоят” мисралари билан бошланадиган форсий ғазалларига боғлаган тахмислари ҳам диссертацияда қиёсий таҳлил қилинган.

Огаҳийнинг Амирий ғазалларига татаббулари таҳлили шуни кўрсатадики, у татаббуда ҳамиша ҳам ғазал ҳажмини айнан сақламайди, унинг татаббулари кўпинча ўзи асос бўлган ғазалдан бир неча байт узунлиги билан ажралиб туради. У ўз татаббуларида асос ғазалдаги фикрни

⁷²Ҳамза. Сайланма. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1989. - Б. 226.

ривожлантиради, кенгайтиради ва унинг янгидан-янги қирраларини очади. Мухаммаслари эса ўзи боғланаётган ғазал байтидаги фикрга замин ҳозирлаш, уни ривожлантириш, унинг сабабини очиш ва янги қиррасига эътибор қаратиш каби вазифаларни бажаради.

Амирийнинг

Ҳуснунг камола етти, эй маҳлиқо, муборак!

Ойинайи жамолинг топти сафо, муборак! (1,175)

байти билан бошланадиган ғазалига Огаҳий, Комил каби шоирлар татаббу қилгани маълум. Бу ижодий мусобақадан Аваз ҳам четда қолмаган:

Топмиш камол ҳуснинг, эй маҳлиқо, муборак!

Бермиш нури жаҳонга нуру зиё муборак!⁷³

Ёки Амирийнинг “қил” радифли ғазалига Огаҳий, Комил, Баёний ва бошқа шоирлар татаббулар битганлар. Бундан аён бўладики, худди Қўқон адабий муҳитидаги каби Хива адабий муҳитида ҳам муайян ғазалга ижодий мусобақа тарзида бир неча шоирлар татаббу ёзиб, ўзаро беллашганлар. Бир радифдаги ғазаллар кўплаб шоирлар ижодида учраши шундан далолат беради. Бу ўзига хос ҳодисани икки адабий муҳит киёсида ўрганиш адабиётшунослик учун қизиқарли маълумотларни тақдим этиши шубҳасиз.

Тўртинчи бобнинг учинчи фасли “Амирий ва форс-тожик адабиёти” деб аталади.

Амирий ўзигача яратилган форс-тожик сўз санъати дурдона асарларидан, ўтмиш форсий адабиётининг забардаст намояндалари ижодидан қанчалик самарали фойдаланган бўлса, ўз даври ва ўзидан кейинги форсий шеърятга ҳам шунчалик таъсир кўрсатди. Бу – шоҳ-шоир ижодининг форс-тожик шеърятини билан боғлиқ жиҳатининг иккинчи йўналиши дейиш мумкин. Фаслда бу таъсирнинг айрим қирраларини атоқли адиб ва нуктадон олим Садриддин Айнийнинг “Намунаи адабиёти тожик” тазкирасида келтирилган ва баҳоланган Қўқон адабий муҳитида яшаб ижод этган зуллисонайн шоирлар мисолида мухтасар шаклда кўриб чиқилди ҳамда “Мажмуаи шоирон”, “Хўжанд шоирлари тазкираси”, “Истаравшан шоирлари тазкираси” ва бошқа манбалар асосида бу маълумотлар кенгайтирилди ва тўлдирилди. Зеро, бу шоирлар ўзларининг икки тилдаги бетакрор ижодлари билан ҳар икки адабиёт ривожига ҳисса қўшганлар ва ҳақли равишда ҳар икки адабиётга дахлдор ҳисобланадилар.

Қўқон адабий муҳити намояндалари асосан зуллисонайн шоирлар бўлиб, улар Амирийнинг фақат ўзбекча эмас, балки тожикча ғазалларига ҳам қатор татаббулар қилганлар. Садриддин Айний “Намунаи адабиёти тожик” тазкирасининг иккинчи қисмини асосан Қўқон ва Бухоро адабий муҳити намояндаларига бағишлаб, жумладан, 14 нафар Қўқон адабий муҳитига мансуб шоирлар ҳақида маълумот беради. Улар: Амирий, Адо, Акмал, Бехжат, Хижлат, Ҳозик, Хотифий, Хоиф, Касрат, Рамзий, Риндий, Фазлий, Гулханий, Нола.

⁷³ Аваз. Сайланма (Нашрга тайёрловчилар Юсупов Ю., Раҳмонов В). - Т.: Адабиёт ва санъат, 1984. - Б. 105.

Абдулманнон Насриддин “Хўжанд шоирлари тазкираси”да ҳам Қўқон адабий муҳити билан боғланган ва Амирийга издошлик қилган Равнақ, Фоиз, Кошиф, Маънос, Зийнат, Росих, Нузҳат, Мутриб, Хотиф каби асли хўжандлик қатор шоирлар ҳақида маълумот бериб, уларнинг ижодидан намуналар келтиради. Улар орасида Амирийга бағишланган қасидалар ҳам, ғазалларига татаббу ва тахмислар ҳам мавжуд⁷⁴.

Амирий форсийда ҳам маҳорат билан қалам тебратган забардаст зуллисонайн шоир бўлган. “Ангушт” радифли ғазалидаги фавқулодда ва бетакрор тимсолу ташбеҳлар билан зийнатланган қуйидаги бадиий баркамол байтлар фикримизнинг ёрқин далилидир:

*Ба шавқи он, ки расонам ба зулфи ёр ангушт,
Чу шона медамад аз дасти ман ҳазор ангушт...*

*Гиреҳ зи зулфи сиёҳат қушудан осон нест,
Касе чи гуна расонад бу чашми мор ангушт? (2, 61)⁷⁵*

“Ёр сочига бармоғимни тегизиш иштиёқида қўлларимдан тароқ каби минг бармоқ ўсиб чиқади... Қора сочининг халқасини ечиш осон эмас, ахир, киши қандай қилиб илоннинг кўзига қўлини тегизиши мумкин?”

Юксак бадиият пардасига ўралган бу ҳассос ғазал қалам аҳлига кучли таъсир кўрсатиб, Қўқон адабий муҳитининг қатор шоирлари унга татаббу боғлаганлари бежиз эмас. Жумладан, Ҳозиқ салоҳияти баланд шоир бўлиб, мазмунан теран ва бадиий юксак шеърлар ёзган. Шунга кўра унинг шеър ва шоир олдига қўядиган талаб ва масъулияти ҳам катта бўлган. Бинобарин, Амирийга татаббу ўлароқ битилган ғазалининг қуйидаги байтида унинг “Ярамас шоирнинг бўлмағур шеърини қўлингга ола кўрмаки, ҳар бир ғазил мисраси илон каби кафтингни чақади” деб киноя қилиши бежиз эмас:

*Манеҳ ба шеъри кажси сифла зинҳор ангушт,
Ки мисраъи галаташ мегазад чу мор ангушт⁷⁶.*

Бу шоирлар Амирийнинг “аст” (“-дир”), “имшаб” (“бу кеча”), “бахс”, “ояд бурун” (“чиқади”) каби қатор форсий ғазалларига ҳам татаббулар қилганлар. Мисол учун, Беҳжатнинг ўз ҳомийсининг “ояд бурун” радифли ғазалига қилган татаббуси⁷⁷ унинг шоирлик салоҳияти анча баланд бўлганлигини кўрсатади:

*Гар чакиди гоҳи хуфтан аз гули рўяш арақ,
То қиёмат хоҳад аз он жо гулоб ояд бурун⁷⁸.*

“Агар уйқусида (гўзал маҳбубанинг) юзидан тер оқса, ўша ердан қиёматгача гулоб қайнаб чиқади”.

Таҳлиллардан маълум бўладики, “Сўз туфайли маъно оламининг амири бўлиб, жумла жаҳонни тилим тиғи остида бирлаштирдим”:

Жаҳон қаламрави теги забони ман бошад,

⁷⁴Қаранг: Хужандий А.Н. Тазкираи шуарои Хўжанд. - Хўжанд: Ношир, 2015.

⁷⁵С. Айний ҳам мазкур ғазални ўз тазкирасида келтиради. Қаранг: Айний С. Намунаи адабиёти тожик. - Д., 2010. – Саҳ. 121.

⁷⁶Ўша манба.- Саҳ. 157.

⁷⁷Ўша манба. - Саҳ. 139.

⁷⁸Ўша жойда.

Амири олами маъни шудам, сухан боис (2, 83)

– деб фахр этган Амирий чиндан ҳам ҳар икки тилдаги ижоди билан ўзбек, ҳам тожик, умуман, туркий ва форсий адабиётнинг забардаст намояндаларидан ҳисобланади. У ўз ижодида муаззам форсий адабиётнинг машҳур сўз санъаткорлари ижодидан қанчалик таъсирланган бўлса, ўзидан кейинги форсий адабиётга ҳам шунчалик таъсир кўрсатди.

ХУЛОСА

1. Диссертацияда Амирий тухаллуси билан ижод қилган Амир Умархон шахсига баҳо беришда икки хил нотўғри ёндашув – ижодкор ҳукмдорни меъёридан ортиқ васф этиш ҳамда асоссиз равишда ноҳақ қоралаш ҳолатлари кузатилгани сабабли, шоҳ ва шоирнинг илмий биографияси яратилди. Шу нарса аниқландики, Амирий йирик давлат арбоби, маърифат ва маданият ҳомийси ҳамда зуллисонайн шоир сифатида халқимиз тарихида ўзидан ёрқин из қолдирган машҳур сиймолардан ҳисобланади. Ҳукмрон табақа вакили сифатида шўро мафкураси қолипига тушмай, ноҳақ қораланган ўзбек халқининг бу фахрли фарзанди ўзбек давлатчилиги, адабиёти ва маданияти тарихидан ўзига муносиб ўринни эгаллаши керак.

2. Ўзбек адабиёти тарихида алоҳида ўрин тутган Қўқон адабий муҳитининг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардир: 1) бадий ижодда ўзбек тили етакчилигининг қўлга киритилиши; 2) форс-тожик ҳамда туркий шеърият услубларининг синтези амалга ошириши; 3) зуллисонайник ривожланиши туфайли бир шоирнинг ижодида ўз-ўзидан таъсирланиши, шунингдек, аёллар шеъриятининг пайдо бўлиши; 4) тазкирачилик анъанасининг тикланиши; 5) ўзбек тилида тамсилий ва эпик жанрлардаги асарларнинг яратилиши; 6) китобат ва таржимачиликнинг жонланиши, ўзбек тилидаги асарларнинг кўчирилиши ва рағбатлантирилиши; 7) Темурийлар давридаги анъаналарнинг қайта тикланиши. Буларнинг барчаси Амирийнинг саъй-ҳаракати туфайли амалга ошгани унинг ўзбек маданияти тарихида маънавият ва маданиятни юксалтирган шахс эканлигидан далолат беради.

3. XVIII аср охири – XIX аср бошлари Қўқон адабий муҳитининг асосий белгиси – адабий издошлик, назира ва татаббу боғлаш бўлган. Мумтоз адабиётшунослик манбаларида белгиланган мезонлар асосида адабий таъсир ва адабий ўғрилиқнинг чегаралари белгилаб берилди. Тадқиқотда ижобий маънодаги таъсирланиш турлари – *назира, татаббу, тавр, таворуд, тазмин* ҳамда таъсирланишнинг салбий баҳо бериладиган шакллари – *сирқат, интиҳол, насх, масх, салх, илмом, мусолита, игорот* ҳақида илмий таъриф берилиб, уларнинг бадий асар таҳлилида қўллаш методологияси яратилди.

4. Татаббунавислик ва назирачилик Шарқ мумтоз сўз санъатида асрлар давомида ижодий мусобақа омили, анъана ва ўзига хослик уйғунлигининг ёрқин намунаси саналиб келган. Сўз санъаткорлари бир-бирларидан илҳомланиб, бир-бирларининг асарлари таъсирида уларнинг муқобилига қўядиган бадий юксак санъат дурдоналарини яратганлар. Хамсалар, кўплаб маснавийлар, қасида ва ғазаллар бунинг яққол далилидир. Татаббунинг бир асар асосида унга ҳам ўхшаган, ҳам ўхшамаган ўзига хос асар яратиш

эканлигини англамаган Ғарб мутахассислари Шарқ шоирларини тақлидчиликда айблаганлари каби шўро даври адабиётшунослари ҳам бундай асарларнинг оригинал жиҳатларини кўра олмадилар ҳамда татаббу асарларнинг адабиёт тарихидаги ўрни ва ролига муносиб баҳо бера олмадилар. Диссертацияда Амирий таъсирланган ва таъсир кўрсатган шоирлар татаббулари мисолида бу адабий ҳодиса моҳият эътибори билан ижобий ҳодиса эканлиги исботланди.

5. Амирий ижодида адабий таъсир ва издошлик ҳодисаси ўзига хос жиҳатларига эга. У туркий тилдаги ғазалларида ўзбек, озарбайжон ва уйғур мумтоз шоирларининг ғазалларидан илҳомланиб, улар билан ижодий мусобақага киришиш орқали ўзбек шеърятининг илҳом сарчашмалари жуғрофиясини кенгайтди. Форсий шеърларида эса ироқий ва ҳиндий услубда ижод қилган шоирларнинг анъаналарини ижодий ўзлаштириб, ўзига хос янги услубни яратишга эришди. Ўз навбатида Нодири, Увайсий, Адо, Ғозий, Қорий, Ҳозик, Гулханий, Фазлий, Мушриф, Фоний каби замондошлари, Огаҳий, Табибий, Комил, Баёний, Мутриб, Муқимий, Фурқат, Аваз, Завқий, Ҳамза, Ниёзий каби издошлари ундан маҳорат сабоғини олиб, ғазалларига назиралар ёзиш орқали татаббунависликни янги босқичга олиб чиқдилар, тахмислар боғлаб, мухаммаснависликни ривожлантирдилар.

6. Сарой муҳитидагина эмас, турли давраларда ҳам муайян мавзу, вазн, қофия ва радифда ғазал ёзиш, бирор ғазални ўртага ташлаб, унга татаббулар қилиш орқали шоирларнинг истеъдод даражаси, бадиий маҳорат ва бадиҳагўйлик санъатини синовдан ўтказиш Шарқда кенг тарқалган адабий анъана эканлиги маълум. Бунинг ёрқин далилини биз Қўқон ва Хива сарой муҳитидагина эмас, Жомий ва Навоий, Фурқат ва Муқимий даврасидаги шоирлар ижодида ҳам кўрамиз. Бадиҳанависликда Амирий ғазаллари асос вазифасини ўтагани унинг юксак шоирлик маҳоратидан дарак беради.

7. Амирийнинг буюк салафларига ва истеъдодли халафларининг Амирийга татаббулари адабий анъана, ўзаро таъсир ва ўзига хослик уйғунлигининг бетакрор намуналари бўлиб, улар асос бўлган ғазалларда тасвирланган мавзуларни, ифодаланган фикрларни, қўлланган тимсолу ташбеҳларни ривожлантирганлар ва кенгайтганлар, янгидан-янги қирраларини кашф этганлар, муайян тимсолу ташбеҳлар силсиласини оҳорли ва фавқулодда бадиий топилмалар билан бойитганлар. Натижада, айна татаббулар мисолида у ёки бу мавзу ўзининг ҳар томонлама кенг ва чуқур, ранг-баранг ва ўзига хос талқинини топган, янгидан-янги тимсолу ташбеҳлар билан бойитилган ғазаллар туркумига дуч келамиз.

8. Туркий ва форсий сўз санъати забардаст сўз санъаткорларини ўзига устоз деб билиб, уларга издошлик қилган, бу сўз усталарининг адабий мактабида бадиий маҳорат касб этган Амирийнинг ўзи ҳам ўзбек ва тожик тилларида бирдай моҳирлик билан қалам тебратган истеъдодли ва тажрибали зуллисонайн шоир бўлиб, ўз даври ва ўзидан кейинги қалам аҳли учун маҳорат мактабига айланган: улар бу ўзига хос шоирнинг қалами остидан

чиққан ғазалларга татаббулар қилганлар, тахмислар боғлаганлар, унинг услуби ва таврида ғазал ва мухаммаслар яратганлар.

9. Амирий асосан ғазал ва мухаммас жанрларида маҳорат кўрсатган ҳамда ўзбек ғазал усталаридан бири ва моҳир мухаммаснавис бўлиб етишган. У ўзбек ва тожик тилларидаги 460 ғазали ва 57 мухаммаси билан ҳақли равишда миллий шеърятимиздаги бу жанрлар ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган. Зеро, мумтоз шеърятимизнинг бу даврдаги ривожи ва янги босқичга кўтарилишини Амирийнинг шаклан гўзал ва мазмунан теран шеърларисиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Шунингдек, Амирий даврида деярли қўлланилмай қолган мусамман ва туюқ жанрларида ҳам янги ва яхши асарлар яратиб, мумтоз шеърятдаги жанрлар ранг-баранглигига ўз ҳиссасини қўшган.

10. Амирий шеърларини мавзусига кўра асосан диний, тасаввуфий, ишқий ва маъвиза шеърлар сифатида тасниф қилиш мумкин. Диний шеърлари жумласига унинг бир неча ҳамд ва наът ғазалларинигина киритиш мумкин. Бир қатор диний ғазалларида Хулафойи Рошидиннинг васфини ҳам келтириб, ҳамд, наът ва манокіб мавзуларини битта асарда ифода этиш тажрибасини ҳам қўллаб, ўзбек девончилигида Навоий асос солган анъанага янгилик киритган. Соф тасаввуфий шеърлари ҳам кўп бўлмай, улар кўпроқ мумтоз шеърятдаги анъаналар асосида яратилган. Бошқа шоирлардан фарқли ўлароқ, у ўзини ишқ кўйидаги бир гадо ва дарвеш эмас, балки муҳаббат мулкининг Амири деб эълон қилади. Шоир ижоди асосан ишқий шеърлардан иборат бўлиб, уларнинг кўпчилиги тасаввуфий руҳ ва мазмун, тимсол ва тушунчалардан ҳам холи эмас. Бошқача айтганда, шоирнинг ишқий шеърларида кўпинча ҳақиқат ва мажоз – илоҳий ва дунёвий ишқ тасвирининг омукта бўлиб кетганининг гувоҳи бўламиз.

11. Шоир ижодида бир неча санъатлар бир-бирини тўлдириб, ривожлантириб келганини ва ўзига хос санъатлар шодасини ҳосил қилганини кўрамиз. Шоир девонидан ўрин олган ғазалларнинг асосий қисми рамал ва ҳазаж баҳрларининг турли-туман тармоқларида яратилган. Айни пайтда у ражаз, музореъ, мутақориб, хафиф, мужтасс баҳрларининг турли вазнларида ҳам ўз кучини синаб кўрган. У ўзбек шеърятида ҳазажи мусаммани аштари солим ўлчовининг мустамал вазн сифатида мустаҳкам ўрин олишига замин яратган шоирлардан биридир. Амирий ва ундан кейинги даврдаги Қўқон адабий муҳитини Хива ва Бухоро адабий муҳити билан қиёсан ўрганганда ушбу вазннинг айнан Амирий мактаби вакиллари ва издошлари ижодида етакчилик қилганини кўришимиз мумкин.

12. Амирий ўзига хос ифода тарзи ва услубини яратиб, ўзбек мумтоз шеърятида ўз сўзини айта олган ва бетакрор ижоди билан адабиётимиз тарихида муносиб ўрин эгаллаган шоир ҳисобланади. Агарда у анъана қобиғида қолиб кетганида, янгилик яратмаганида замондошлари ва халафлари эътиборини қозонмаган, уларга ўз таъсирини ўтказмаган бўлар эди. Бир неча машҳур бадиий баркамол ғазаллари, кўплаб етук ва гўзал байтларининг ўзи уни мумтоз адабиётнинг етакчи шоирлари қаторига қўйиш учун кифоя қилади. Анъанавий поэтик ифода воситаларининг янги жилолар

билан намоён бўлиши, илгари қўлланилмаган қофия ва радифлар тизими, тажнис ва ташбихлар, шунингдек, ўзбек адабий тилига ўғуз шевасига хос бўлган тил элементларининг маҳорат билан қўлланилиши Амирий шеърий услубининг ўзига хослигини таъминловчи омил бўлган.

13. Амирий сиёсий, маърифий ва адабий фаолияти билан ўзбек давлатчилиги, маданияти ва адабиёти тарихида ноёб ҳодиса ҳисобланади. Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий замонидан сўнг таназулга юз тутган илм-маърифат ва маданий ҳаёт айнан Амирий ва Нодира замонида янада жонланиб, миллий адабиётимиз янги номлар ва асарлар билан бойиди. Серқирра фаолияти ватанимиз тарихида алоҳида даврни ташкил этган бундай фавқулодда бетакрор саодатли сиймолар ҳаёти, фаолияти ва ижодини ҳар қанча ўргансак, замондошлар ва келгуси авлодга ибрат намунаси қилиб кўрсатсак, ўзимизнинг улар олдидаги ворислик ва фарзандлик бурчимиз ва қарзимизни шунчалик узган бўламиз.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ФЕРГАНСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**КОКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

КОБИЛОВА ЗЕБОХОН БАКИРОВНА

**ПРОБЛЕМЫ ВЛИЯНИЯ И ПРЕЕМСТВЕННОСТИ В
ХУДОЖЕСТВЕННОМ ТВОРЧЕСТВЕ (НА ПРИМЕРЕ ПОЭЗИИ
АМИРИ)**

10.00.02– Узбекская литература

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА НАУК (DSc) ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Фергана – 2021

Тема докторской диссертации зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.2.DSc/Fil59.

Докторская диссертация выполнена в Кокандском государственном педагогическом институте имени Мукамии.

Автореферат диссертации на трёх (узбекский, русский, английский (резюме) языках размещен на веб-странице Научного совета (www.fdu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyounet» (www.ziyounet.uz).

Научный консультант:

Хаккулов Иброхим Чориевич
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Тухлиев Бокижон
доктор филологических наук, профессор

Жабборов Нурбой Абдулхакимович
доктор филологических наук, профессор

Джураев Хабибулло Абдусаломович
доктор филологических наук, доцент

Ведущая организация:

Андижанский государственный университет

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 по присуждению ученых степеней при Ферганском государственном университете «__» _____ 2021 года в _____ часов. (Адрес: 100151, г. Фергана, улица Мураббийлар, 19, Тел.: (993873) 244-44-29; факс: (+99873) 244-66-03; e-mail: fardu_info@umail.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета. (Зарегистрирован за номером ____). Адрес: 100151, г. Фергана, улица Мураббийлар, 19. Тел.: (+99873) 244-44-02).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года.
(Протокол реестра рассылки за № ____ от «__» _____ 2021 года).



[Signature]
А.А.Косимов
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор филологических наук

[Signature]
М.Т.Зокиров
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
кандидат филологических наук, доцент

[Signature]
А.Г.Сабирдинов
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению ученых степеней,
доктор филологических наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы. В мировом литературоведении особое значение имеет изучение и исследование литературных связей, и их взаимовлияния. Каждое произведение искусства, являясь продуктом мышления своего времени, представляет собой новый вид традиций, сформированных на протяжении веков и дошедших до нас благодаря законам преемственности. Поэтому проблема традиционизма и новаторства имеет важное значение во всех сферах социально-духовной жизни.

В мировом литературоведении проблема взаимовлияния и вдохновения в художественном творчестве является одной из основных научных проблем, ожидающих своего решения. До сих пор остаются нерешенными вопросы освещения оригинальности в творчестве представителей классической восточной литературы, которая развивалась в рамках традиционизма, определения этапов совершенствования законов художественного текста, критериев традиционизма и оригинальности. В частности, многие востоковеды Европы, не изучив основательно законы и требования классической литературы Востока, обвиняли многих поэтов в литературном эпигонстве и подражательстве. Западные ученые дают неправильную оценку творчеству Алишера Навои, демонстрируя его подражателем персидско-таджикской литературы. Такой неправильный подход наблюдается и относительно творчества других представителей узбекской литературы, в частности, творчества Амири, что требует научного и объективного изучения проблемы.

В годы независимости проведен ряд исследований, посвященных изучению творчества представителей Кокандской литературной среды, которая отдельной страницей вошла в историю узбекской литературы, жизни и творчества поэтов данной среды, их научного и литературного наследия. Однако, несомненно, впереди ещё много неразрешенных проблем литературы данной эпохи. В их основе лежит гуманистическая цель, именно «...всестороннее изучение замечательного наследия нашего народа, возведенного благодаря его созидательным идеям, формирование цельного представления о жизни и творчестве великих ученых и мыслителей нашей страны, воспитание молодого поколения в духе гуманистических идей, национальной гордости»¹. Одним из таких творческих лиц, чье наследие достойно всестороннего изучения является основатель Кокандской литературной среды, справедливый правитель и тонкий поэт Умархон Амири, жизнь и творческое наследие которого в советскую эпоху не были объективно и целостно исследованы из-за клейма “представитель реакционной литературы”, “представитель придворной литературы”, также не проведены монографические исследования и в период

¹ Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий олами ни юксалтиришнинг мустахкам пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси / Халқ сўзи.–Тошкент, 2017, 4 август.

